

9 феврал—Алишер Навоий таваллуд кун

Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Ислом КАРИМОВ.



ТОҒДЕК ЮКСАК, ДЕНГИЗДЕК ТЕРАН

такорланган бўлса, шундан биттаси олинади). Шу тариқа ҳисоб-китоб қилинганда куйидаги рақамлар аён бўлган. Дунёда сўз бойлиги энг кўп шоирлардан бири Пушкин экан. Даҳо шоирнинг сўз бойлиги (яъни бетақорор сўзлари) 21 минг 197 та чиққан. Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингта ақин сўз ишлатган. Алишер Навоийнинг бетақорор сўзлари эса 26 мингта экан!

Бугунги авлод, жумладан оддий китобхонгина эмас, мутахассисларнинг ўзи ҳам Навоий асарларини бир ўқишда тушунишга ожизлик қилишининг сабабларидан бири - шубҳасиз, шоир тилининг анча мураккаблиги, сўз бойлигининг чексизлигидир. Утган асрда шоир ижодининг тўлиқ наشري чоп этилганда "Навоий асарларининг изоҳли луғати" деган яна тўрт жилдали китоб ҳам босилган. Изоҳнинг ўзи тўрт жилд! Сабаби, Навоий ўз асарларида фақат туркий эмас, араб, форс, урду, мўл ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам ўринли ва унумли фойдаланган.

Навоий фалсафасини англаб етиш ҳам осон эмас. Баъзи сатрларида шу қадар кўп ва теран маъно яшириниб ётадики, ҳайратга тушасиз...

Бироқ сиз билан биз мумтоз адабиётга гоҳо "тишимиз ўтмай" қолишининг бошқа сабаби ҳам бор. Кўп йиллар давомида бизни "моддийча-материалистик" фикрлашга ўргатиб келганлар. Таълай мумтоз асарларни "диний фанатизм", "таркидунёчиликни тарғиб қилиш" баҳонасида таъқиқланганлар. Ёки аксинча, улардан "реал ҳаётни", оддий инсоний муносабатни излаганлар. Аслида у томонга оғиш ҳам, бу томонга оғиш ҳам тўғри эмас. Албатта, улуг шоир ва адибларнинг барчаси аввало Инсонни тараннум этган. Бироқ, мумтоз адабиётда муқаддас китобларга мурожаат қилиш ҳам одат ҳисобланган.

Келинг, Навоийга нисбатан бир қадар "тушунарлироқ", "соддароқ" Машраб ҳазратларидан мисол олайлик.

"Машраб сени деб кечти жаҳондин, Бошини қўйди остоналарга..."

Ҳаммаси тушунарли. Ҳаммаси "ойдин". Шоир маҳбубасига мурожаат қилиб, "сени деб бутун дунёдан кечдим, остонамга бош қўйиб ётаман", деяпти... Бундай тушуниш Машрабнинг эмас, бизнинг "оддийлигимиз", "жўнлигимиз" дан дарак беради.

Бу сатрларни тагин бир марта ўқийликда, чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Агар шоир "бутун жаҳондан воз кечаётган" бўлса, ўша "бутун жаҳон" ичиде "маҳбубаси"-суйган аёли ҳам бўладими? Демак, шоир маҳбубасидан ҳам воз кечган бўлиб чиқадими?

У ҳолда шоир кимнинг "остонасига", қайси "остона"га бош қўймоқчи? Арши аъло остонасига эмасми? Гап шундаки, Машраб бу ўринда дунёвий муҳаббат ҳақида эмас, илоҳий муҳаббат ҳақида ёзаяпти! Яратганнинг жамолини кўриш бахтига муяссар бўлмоқ учун бутун жаҳондан воз кечмоқчи... Шарқ шеъриятида "ишқи боқий" ва "ишқи фоний" деган тушунчалар бўлгани бежиз эмас.

Алишер Навоийнинг "Ҳамсатул мутаҳайирин" асарида шундай байт бор:

"Қаҳфи фано ичра алар бўлса гум, Мен ҳам ўлай робуҳум калбуҳум".

Кўриниб турибдики, байтда форсий-арабий сўзлар талайгина. Маъноси қуйидагича. Агар улар фано (йўқлик) ғорига кириб, ғойиб бўлган бўлсалар, мен ҳам тўртинчи бўлиб, уларнинг итлари бўлиб ортларидан эргashi кирай...

Муқаддас китоблардан беҳабар одам ҳазрат Навоий нимага шамма қилаётганини тушунамайди. Бунинг учун муқаддас Куръони каримнинг "Қаҳф сураси" ("Фор сураси"ни) синчиклаб ўқимоқ керак. Маълумки муқаддас китобларда кўплаб ривоятлар бор.

Куръони каримнинг "Қаҳф сураси"да "Асхобул Қаҳф" - Фор эгалари қиссаси ҳикоя қилинади. Исо алайҳиссалом замонидан сўнг (тахминан эрамининг иккинчи асрларида) Рум давлатларидан бирида Дақёнус деган золим подшо ўтган. У ўз фуқароларини бутларга сиғинишга мажбур қилган ва ҳукмига бўйсунмаганларни ўлдирган. Шунда олти нафар (баъзи манбаларда уч нафар) йигит Ёлғиз Яратгани тан олиб, тош ва санамларга сиғинишдан бош тортадилар. Шоҳ айғоқчилари бу хабарни етказгач Дақёнус уларни топ-тириб келади ва йигитларга бир кеча муҳлат беради. Агар улар ўз эътиқодидан воз кечмаса ўлдиражагини айтади. Йигитлар кечаси шаҳарни тарк этадилар. Яйловдан ўтиб бораётганларида бир ит уларга эргашади. Йигитлар ва ит фано (йўқлик) ғорига кириб кетадилар. Эртасига Дақёнус одамлари уларни кетидан қувиб келади, аммо ичкари киришга ботинолмайдиган ва қочоқлар қайтиб чиқмасин, деб ғор оғзини тошлар билан берkitиб ташлайди. Йигитлар бир кеча ухлаб туришгач, ғор оғзи очилади ва улардан бири егулик харид қилиш учун шаҳарга йўл олади. Бозорга келиб, ёнидаги тангани узатса, сотувчи ҳайрон бўлиб, "Дақёнусдан қолган бу пулни қаердан топдинг? Дақёнус ўлиб кетганига уч юз йил бўлган-ку", дейди. ("Дақёнусдан қолган" деган ибора шундан келиб чиққан. Маълум бўлишича, тағри йигитларни ухлатиб қўйган бир кеча уч юз йилдан ортик экан. Бу пайтда мамлакатда ймон-эътиқодли подшоҳ ҳукмронлик қилаётган экан. У йигитларга катта иззат-икром кўрсатади...

Шундай қилиб, Навоий ҳазратларининг байтида шу қиссага ишора қилинмоқда. Аммо бундан мақсад нима? Даҳо ижодкор фано ғорига нима учун кирмоқчи-ю, нега айнан "тўртинчи" бўлиб, "итлари бўлиб эргashi" киришни ихтиёр этмоқда? (Шарқ мумтоз адабиётида ит образи вафо тимсоли сифатида кўп қўлланилган).

Гап шундаки, "Ҳамса" яратишдек улуг ва машаққатли юмушни Низомий, Деҳлавий ва Жомийларга уудалаган. Навоий ўзини уларнинг шоғирди ҳисоблайди. Бу ўринда шоир устозларига содиқ ит каби эргashiб, шундай улугвор юмушга бел боғлаганини айтаяпти...

Нақадар гўзал ташбеҳ! Нақадар камтаринлик!

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

НАВБАТДАГИ БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ

Республика Хотин-қизлар кўмитасида навбатдаги Бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси-фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар" тўғрисидаги Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг (2004 йил 299-сон) қарорига биноан белгиланган вазифаларнинг ижроси мавзусига бағишланди. 2007 йил февраль-март ойларида Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси билан ҳамкорликда 196 нафар туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раислари учун ўқув-семинарлари ташкил қилинди. Сентябрь ойида эса "Еш олимпиа" халқаро конференцияси ўтказилди. Кўмита ташаббуси билан ўтган 2007 йилда тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга 90087 млн. сўмлик, "Микрокре-

дитбанк" акциядорлик тижорат банклари томонидан эса 11076 млн. сўмлик кредитлар ажратилиб, 12332та янги иш ўринлари яратилди. Сўмлик партиялар фаолиятида аёлларнинг улуши янада ортгани ҳам кўмита фаолияти самараси эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда хотин-қизлар билан боғлиқ турли салбий ҳолатлар танқидий-тахлилий тарзда муҳокама қилинди. Бу каби ҳолатларнинг ўтган йилга нисбатан интенсив кўрсаткичлари тақдим этилди. Унга кўра оналар ўлими, аборт ҳолати, болаларнинг туғма нуқсонли туғилиши каймаганлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш

чора-тадбирлари моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш бўйича фаолият юритаётган 8160 нафар маслаҳатчилар фаолияти умумий таҳлил этилди ва иш самарадорлигини ошириш бўйича ҳулосалар айтилди. Жумладан, кўмита томонидан барча маҳалла маслаҳатчиларининг ҳудуд бўйича сайёр ўқув семинарлари ташкил қилинганлиги таъкидланди.

Йиғилишда "Ёшлар йили"да иқтидорли қизларнинг истеъдодини рағбатлантириш, уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этиш ва ёшлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кучайтириш мақсадида ташкил этилаётган "Лидер қизлар анжумани" борасидаги режалар тасдиқланди.

Малоҳат МҲМИНОВА

"БАЛОҒАТ ДАВРИ" ДАСТУРИ АМАЛДА

Туманимизда "Соғлом авлод учун" таянч маркази ҳодимлари барча маҳаллаларда бўлиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси, хотин-қизлар кенгаши раиси, ёшлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда "Балоғат даври" мавзусида тадбирлар ўтказишяпти.

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири 16-сон Алломиш маҳалласи ва 241-мактаб жамоаси билан биргаликда ўтказилди. Тадбирда туман "Соғлом авлод учун" таянч маркази раҳбари Дилором Мирзизова ва акушер-гинеколог Аделя Алиевалар ўсимир қизларни ҳаётга тайёрлаш йўл-йўриқлари, балоғатга етиш даврининг ўзига хос психологик ҳамда физиологик ўзгаришлари ҳусусида маъруза қилдилар ва саволлар юзасидан батафсил маълумот бердилар. Қизгин баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбир сўнггида йиғилганларга гигиеник воситалар ва қўлланмалар тарқатилди.

Тиловат СОАТОВА,
Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани
16-сон Алломиш маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси.



чеварчилик билан шугулланаётган шогирдларимиз ҳам бир талай. Кўпгина ўқувчиларимиз дарсдан бўш пайтларида ўзларига, оила-аъзоларига кийим-кечак тикиб, "оила бюджети"га ёрдамлари тегапти. Бундан ота-оналари ҳам, мактаб жамоаси ҳам, ўзлари ҳам хурсанд. Ахир қиз бола бир оилага келин бўлиб борганда ҳам бу ҳунар жуда асқотади-да! Шундаймасми? Бундан ташқари, "Ёш гимнастикчилар", "Ёш спортчилар", "Дурадгорчилик", "Ёш математик", "Ижодкорлар" сингари қатор фан ва ҳунар тўғрисида ҳам доим ўқувчилар билан гап-гап. Шу боис мактабимизни тугатган 80 фоиз ёшлар олий ва махсус таълим масканларида тахсил олмақдалар.

Мактабимиз ўқувчиларининг 102 нафари кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари. Уларга ҳар ўқув йилининг бошида ўқув қуроллари, китоблар, иссиқ кийим-кечаклар, спорт кийимлари

МЕХР-МУХАББАТИМ—СИЗЛАРГА



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хивадаги 20-сон "Меҳрибонлик уйи" директори Вера Борисовна Пак билан суҳбат.

- **Ҳурматли Вера Борисовна, сизнинг олийжаноб меҳрингиздан қувват олиб камол топаётган болажонлар бугун сизни "она" деган муқаддас ном билан шарафлашади. Бунинг сабаби - қалбдаги олийжаноблик, болаларча симиийлик бўлса керак?**

- Жуда тўғри гапирдингиз. Юрагингизда меҳр-муҳаббат бўлмас экан, сиз ҳеч қачон ўзингиздан, ташвиш ва юмушларингиздан ортиб, бировнинг боласига меҳрибонлик қила олмайсиз. Шунинг учун мен доимо барча эзуликларнинг пойдевори бу - меҳр-мурувват, муҳаббатдир, дея қўп такрорлайман. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг жуда болажон халқимиз бор.

Лекин афсус, турмушнинг айрим ачиқ қисматлари боис болаларимиз ота-она меҳридан мосуво бўлиб қоладилар. Ана шу бўшлиқни тўлдириш, керагича меҳрибонлик кўрсатиш зиммаларига катта масъулият юклайди. Чунки бола қалби гўлдек но-зик, етарлича эътибор берилмадими, мурғак қалбларга шикаст етиши жуда осон.

Бугун "Меҳрибонлик уйи"да 142 нафар бола тарбия топмокда. Таъбир жоиз бўлса уларнинг ҳар қайсиси бир олам, орзулари осмон қадар, умидлари тоғдек юксак. Шунга яраша уларнинг қизиқишлари, салоҳиятларига қараб таълим-тарбия бермоқчи катта аҳамиятга эга. Зеро, болаларимизнинг эртанги тақдирига бефарқ эмасман. Улар менинг болаларим, мен уларнинг онасиман.

- **Оилаларни соғломлаштириш, фарзандлар камоли учун масъулият масаласи бир дақиқа бўлса-да, ҳукуматимиз диққат-эътиборидан четда қолмапти.**

- Бу бежиз эмас, негаки Республикамизда ҳар йили 28 минг 400 дан ортиқ янги оилалар вужудга келаётган экан, бу аҳолининг интенсив ўсишига олиб келаётганидан

дарак беради. Демак, жамиятимизда табиий равишда бу масалаларни биринчи устивор йўналиш сифатида талқин этиш эҳтиёжи туғилмокда. Бугунги кунда оила, оналик, болалик ижтимоий муҳофазасини, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг 80 га яқин қонун ва қонун ости ҳужжатлари мавжуд. Қадим ота-боболардан қолган, йиллар ўтиши билан сайқалланиб келаётган гўзал урф-одатларимиз борки, халқимиз уларга чексиз ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлади. Шунинг учун ҳеч бир бола ўз оиласидан, ота-онасидан бена-сиб бўлмағай. Чунки, ҳалгал "уйимизга" кўзлари маънос бола кириб келса, юрагим минг пора бўлади. Ўз ўрнида оилаларнинг му-стақкамлиги жамиятнинг ривожига, юксалишига ижобий таъсир кўрсатмокда. Қушнинг ҳам уяси бузилмасин экан...

- **Ҳурматли Вера Борисовна, сизни ҳам давлат кишиси, ҳам она, ҳам раҳбар сифатида яхши биламиз. Айтинг-чи, шунча ишнинг уддасидан чиқиш қийин эмасми?**

- Қарийб 30 йиллик умримни болаларга бағишлаганман. Ўтган йиллар ичида юзлаб болалар дарғоҳимизда камолотга етиб, мустақил ҳаётга учирма бўлдилар. Ана шу жондан азиз болаларим туфайли ўзимни бутун кўргандай бўламан. Давлат иши, раҳбарлик юмушлари мени жамиятда ўз ўрнини топишга, шахс сифатида шаклланишимга ёрдам бермокда. Шундай экан, ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган сермазмун, серқирра, нурли қисматимга минг баад шукроналар айтаман.

- **Суҳбатингиз учун раҳмат! Улуғвор ишларингизда тагин-да юксак зафарлар тилаймиз.**

Суҳбатдош Дилбар БЕКЖОНОВА.

ҲАММАННИНГ ДЎСТИ

Дилбар опа ўқувчиларнинг эрталабки йиғилишида мактаб ҳақидаги янгиликларни эълон қилди-да, хонаси томон йўналди. Шу пайт ортдан бир қизнинг:

- Опа, мумкинми сизни бир дақиқага?-деган овози эшитилди. Бўйчангина қизнинг кўзидаги маҳзунлик опанинг кўнглида безовталиқ уйғотди: - Албатта, кир, қизим,- уни хонасига бошлади опа. -Тинчликми, уйдагиларинг омонми? -унинг кўнглига кўл солди.

- Менга жавоб берсангиз, мактабдан кетмокчиман...қизнинг кўзлари ер чизди. Дилбар опанинг хавотири баттар кучайди: - Нима гап?- ўзини босиб, майинлик билан сўради у. - Опачамнинг тўйи бўлиш арафасида бир илғовар тухмат қилиб, уни ёмонотлик қилмокчи бўлди. Опам эса уятдан кўчага чиқолмай қолди. Ота-онамининг топгани рўзгорга етмайди... кўпчиликмиз... Шунинг учун ишламокчиман. Аммо буни уйдагиларим билмасликлар керак, илтимос...кўзлари ёшланди қизнинг.

Дилбар опа бир зум ўйланиб қолди: "Бу қизга қандай ёрдам берса экан? Кўлдан берганга қўш тўймак-мактаб жамғармасидан бериладиган ёрдам билан ҳаммаша уларни таъминлаб бўлмайди. Мактабни тугатишга бир йилгина қолган бўлса... Бунинг устига ота-онасига билдирмасдан ишламокчи..." Дилбар опа қизга эртага олдига келишини айтиб, дарслардан кўнглини узмаслигини тайинлади.

Эртаси мактаб директори Дилбар Орзиевнинг хонаси-

дан қизнинг кўзлари ёришиб чикди. Опа қизга ўқшни ташламасдан, шу ерда - кўз ўнгига ишлашига шариоит яратиб берди. Бунинг устига мактаб жамғармасидан кам таъминланган оилага бериладиган кўмагини ҳам аямди. Аммо бу пулнинг қаердан келаётганини ота-онасига билдиришни лозим топишди... Битта қизнинг ҳаётидаги тугун ечилди - унинг катта ҳаёт бошида адашмаслиги учун дўст ва устоз бўлиб ёрдамга келишди...

Навоий шаҳридаги 10-мактаб директори Дилбар Орзиевнинг ҳаётида бундай сирлашулар тез-тез бўлиб туради. Суҳбатдоши-ўқувчиси, ўқитувчиси, фаррошми-опа ҳаммага бирдек дарддош, мададкор бўлишга ҳаракат қилади. Мактабдаги тартиб, озодалик, ўқувчиларга яратилган шарт-шариоитларни кўрган ҳар қандай одам бу ерда опанинг нафис дидини, талабчанлигини, қўнқачлигини дилдан ҳис қилади. Кўргазмалар хонаси, фаоллар ва спорт залларининг тўқис жиҳозланишидан кўнглингиз яйрайди. Болаларнинг қизиқишлари ҳисобга олиниб, мактабда турли хил тўғараклар фаолият кўрсатапти.

- Бугуннинг боласи кегаги куннинг боласидан анча фарқ қилади,- дейди Дилбар опа "Чеварлик" тўғрисида аъзолари тиккан кийимларни, каштачилик буюмларини кўрсатаркан. -Улар тумандаги кўрик-танловларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашган. Ҳатто мактабни тугатиб,

ва анжомлари берамиз. Бундан ташқари, бирор тўймакка муносабати билан ёрдам сўраган жамоамиз аъзоларидан ҳам кўмагимизни аямаймиз.

Ўзқўйилардан бўён жамоамизда меҳнат қилаётган ва ўз сўзига, ўз ўрнига эга бўлган ўқитувчиларимиз ҳам кўп. Жумладан, немис тили фани ўқитувчиси Ма-лохат Аҳадовна яқинда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони ва маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари Бахориджон Қудратов "Халқ таълими аълочиси" унвонларига эга бўлишди. Албатта, бу муваффақиятлар ўқитувчиларимизнинг барчасига янгича руҳ ва ғайрат бахш этди. Очиги, ўқитувчининг заҳматли меҳнати биланларга минг раҳмат. Устоз ҳар бир ўқувчисининг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам ўзиники деб билади. Яхшисидан хурсанд бўлади, ёмонидан азобланади-бир томон болалар бўлса, бир томон ўқувчиларининг ҳаётига ўзини масъулигини ҳис қилиб яшайди. Шу боис ўқитувчи зотиға бардам ва кучли орак тиланган бўлардим.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, мени шу даражага етказган фахрий ўқитувчи 72 ёшли онам - Роза аяга ва 77 ёшли пиру бадавлат отагинамга ана кўп йиллар фарзандлари ва набираларининг ҳузурини кўриб юриш насиб этсин, дейман!

"Оила ва жамият" мухлисариға эса 2008 йил - омадлар йили бўлишини истаб қоламан!

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Давлатимиз раҳбари "Менинг энг катта ишончим, мадад, таянчим бу ўсиб келаётган ёшлардир",-дея эртанги кунимизнинг ёруғ истикболи бўлган ёшларга мустақиллигини илк кунлариданок алоҳида эътибор кўрсатган эдилар.

Ушбу ўтказилган тадбирда ҳам айнан ана шу улуғвор мақсад ва бу борадаги амалий ишлар тўғрисида фикр-мулохазалар билдирилди.

Феруза ОРИПОВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Матбуот хизмати ходими

"АЁЛ.ЖАМИЯТ.ЁШЛАР."

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий Тикланиш Демократик партияси ҳамкорлигида Ўзбекистон Давлат Жаҳон Тиллари университети академик лицейида "АЁЛ.ЖАМИЯТ.ЁШЛАР" мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор ва бу борада олиб бо-

риладиган одилонга сиёсат, ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялашда аёлларнинг ўрни ва роли мавзусидаги маълумотлар тингиланди. Шундан сўнг, лицей талабалари ёшлар йилига ўзларининг фикр-мулохазаларини билдирдилар. Лицейнинг аълочи талабаларига тадбир ташкилотчилари томонидан махсус совғалар ва лицей кутубхонаси учун бадиий адабиётлар тақдим этилди.

Ахборот



Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жомат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: "Оналик ва болалик муаммолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар"

Яқинда кўпни кўрган, зиёли бир суҳбатдошим айтган сўзлар мулоҳазага қорлаб, кўлимга қалам олдим. - Болаларимизнинг бор бўш вақтини телевизор банд қилаяпти, - дейди у қуюниб. - Биз болалигимизда китоб ўқирдик, қариндошларникига борардик. Мен таътиллarda ҳафталаб аммамларникида юрардим. Бу замоннинг болалари телевизорга тикилиб ўтиргани-ўтирган. Оқибат, борди-келдига вақтлари қолмаяпти.

Дарҳақиқат, биз болаликда телевизорга ажратган вақт билан ҳозирги давр боласининг кун тартиби ўртасидаги фарқ жуда катта. Балки бу телевиденининг ривожланиши, кўрсатувлар ранг-баранглиги билан боғлиқдир? Шундай бўлган чоғда ҳам, улар томоша қилаётган барча дастурларни зарур ёки фойдали деб бўлмайди-ку!

Филм қаҳрамони бежирим шляпасини пешонасига бостириб, плашининг ёқасини кўтариб, этакларини хилпиратганча қимматбаҳо туфлисини тақиллатиб олга юради. Йўл-йўлакай бир қўлини хиёл кўта-

ринчи фикр таъқиқлашдан иборат бўлса, шошилманг! Таъқиқланган мева ширин, дейдилар. Қолаверса, тезкор давр болаларининг иззат-нафси, ўзига ишончи кучли. Хар қандай кескин чорани ҳақорат, деб қабул қилиши турган гап. Шу ўринда бир дугонанинг тажрибасини мисол қиламан. "Ўғлимга фалон жангари сериални кўришни таъқиқлаб қўйгандим, - дейди у. - Уч-тўрт кундан кейин араз қила бошладим. Нима эмиш, дўстлари хар кун навбатдаги серия воқеаларидан гаплашиб, янги трюклар ўрганишгаётганимиз. Бу кишим овардерек ажралиб қолаётганимиз..."

Хуллас, қатъий маън этиш билан натижага эришиш қийин. Болани кинонинг салбий таъсиридан асраш борасида кўпалаб тадқиқотлар ўтказилган. Улар билан атай қизиқиб, танишиб чиққач, назаримда, энг мақбули бўлди. Тўхтадим. Ҳуққизинчи синф ўқувчиларини иккита йигирма кишилиқ гуруҳга йиғиб, ўқитувчиси киного олиб берган. Танлаб олинган фильм енгилтабиат киз ҳақида бўлиб, охири оқибат ўзининг нақадар жирканч ҳаёт кечираётганини англаб ета-

Бозор айланб юргандим. Шу пайт олдимдан бир аёл гудраниб ўтиб қолди. - Уялмасдан сотиб ўтиришини қара, юр, бошқа ердан оламиз. Афтдан қизига нимадир олмакчи бўлган-у... Беихтиёр аёл узоқлашаётган пештахта томон бўйладим. Пештахта олдида савлат тўкиб турган, соқоли ўсган йигит аёлларнинг ички кийим-кечаги билан савдо қиларди. "Наҳотки ўзига муносиб бирор-та юмуш тополмаган бўлса?" Бундай матоларнинг сотувчиси ҳам, харид қилувчиси ҳам аёллар бўлса яхши эмасми?

Дарвоқе, кейинги пайтда мана шунақа енгил-елпи хизматлар билан кунини ўтказаятганлар кўпайиб кетаётганга ўхшайди. Газ сув дейсизми, музқаймоқми, оппоқ халат кийиб, чучвара тугиш, қалам, дафтар, ручка сотиш... бунақа озода, маданий, ораста юмушларга эр йигитлар ўзини уравверса қандай бўлар экан?

орасида қора терга тушиб ишлайдилар. Пахта тўла этакларни аранг судраб, беллари букилиб қолса ҳам "чарчадим", демайдилар. Негаки, бола-чақаси, рўзғори бор. Шу меҳнатнинг орқасидан уйи донга тўлади, қозони қайнайди. Борига шукр, дейди. Шаҳар жойларида сигарета, оддий тугмалар билан савдо қилиш, муздек ичимликлар сотиш, картошкали пирашка тайёрлаш, кино заллари эшиги олдида чипта йиртиш каби вазифалардан қаноат топаётганлар-чи? "Дунёга келиб нима ишни қойил қилиб қўйдим, келажак авлод учун ўзимдан нима мерос қолдираман?" - деб ўйлаб кўриш ҳам керак. Борди-ю жисмонан заиф, оғир ишларга ҳоли келмайдиган ногиронлар бўлса, ажабланишга ўрин қолмасди. Катта ишларга қодир, бақувват, соғлом йигит бўла туриб, ўзига мос ишни қилмаслик, билмадим, буни нима деб аташ мумкин?

Қорасон касаллигига чалингандан сўнг оёқларидан ажралган. Болачакали инсон шифтга қараб ётаверишни эп кўрмай қосибга шогирд тушиб, ҳунар ўрганган. Шу ишнинг орқасидан болаларни боқиб, рўзғор тебратган. Ногирон бўлишига қарамай, одамлар қорига яраган. Ҳозир дунёдан ўтган бўлса-да, ҳамма унинг номини яхшилар қаторида тилга олади.

Турсунбой ака ногирон бўлиб тутилган эди. Ота-онаси икки қўздан сўнг тилаб олганди. Қўлтиқтаёқ билан юриб мактабни аълога битирди. Дурадгорликни ўрганди. Уйдада ус-тахона очди. Излаб-сўраб келувчиларнинг ҳолатини чиқарадиган бўлди. Уйланди, болалари кўпайди. Оиласи ҳеч нарасга зориқмади. Раҳмат олиб кам бўлмади.

Яқинда "ойнаи жаҳон"да бир расом йигитни кўрсатишди. Иккала қўли тирсагидан

ЭР ЙИГИТГА ҚАНДАЙ ИШ ЯРАШАДИ?!

Қадимда ер ҳайдаб, экин экиш, ариқ қазиб сув чиқариш, темирчилик, чилангарлик қилиб кун кечириш "қора иш" саналарди. Эндликда буларнинг ҳаммаси энг шарафли вазифалардир. Сувоқчилик, дурадгорлик, кўприк тиклаш каби оғир меҳнат билан шугулланувчилар ҳам малакали ходимлар, етук мухассислар ҳисобланалар. Ишнинг зўрини қилган борки, эътиборга тушади, тирикчилиги ҳам яхши ўтади.

Жасоратга лойиқ меҳнат ҳамма ерда бор. Фақат унга иштиёқ бўлиши керак. Хар қандай ўзига, ўз қучига астойдил ишонч ва хоҳиш бўлсагина, ишнинг оғири йўқ.

Бағри кенг одамларимиз ичида биз тилга олган бетимнинг қаттиги жонимнинг ҳузур қабилда иш тутувчилар жуда озчиликни ташкил қилади. Аммо бугун озчилик ҳам кўпдай кўришиб қолаяпти. Аёллар уларни қўли билан кўрсатиб, писанда гап қилаётганини ҳам шундан. Бу ўткнчи ҳолдай туюлса-да, барибир йигитчилик шаънига тўғри келмайди. Унинг ёйилиб кетмаслигининг олдини олиш керак. Йигит киши учун бу ўз иродасини букиш, демакдир. Ёки ана шу иродани синондан ўтказишга муносиб бўш ўрин йўқмикан? Қурилиш иншоотлари учун ишчилар, бинокорлар жуда зарурлиги ҳақидаги эълонлар назаримиздан четда эмас-ку. Ҳақиқий эркекнинг кучли билаги улкан ишларга қодирлигини тан олмай илож йўқ.

Хизмат юзасидан далаларда кўп бўлмайди. Йигит-терим қизиган пайтлар уларнинг меҳнати бор бўйи билан қўзимизга ташланади. Тарозибонлик қилаётган ёки терилган пахталарнинг ҳисоб-китобини чиқараётган аёллар кам, бармоқ билан санарли. Хотин-қизлар эрларига, иниларига ва ўғилларига енгилроқ ишларни топшириб, ўзлари эгатлар



Яқинда шаҳарда бекат атрофида айни навқирон ёшдаги бир йигитнинг садақа сўраб юрганини кўрдим. У "Дамас" машинаси ҳайдовчиларидан ва йўловчилардан пул олиб, қўлини дуога очди. лекин лом-мим демади. Нима бўлганда ҳам кўрганлар унинг афтодаҳол уст-бошига бир қур назар ташлаб, ижриганиб қўйдилар.

Тўрт мучаси соғ бўла туриб тиланчилик қилишга уялмайди-я. - Ҳеч бўлмаса, арава судраб ё пойабзал мойлаб кун ўтказса бўлади-ку...

Одамларнинг бири қўйиб, бири фикр билдира кетди. Бу ҳол ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Қўл ва оёқлари бут кимса кун ўтказиш учун жон қўйдириб ҳаракат қилиши лозим эмасми? Бозорда юрган кўнгли тўғри фуқаро ҳалол тирикчиликнинг йўлини қилаяпти. Ор-но-мусли одам қўлидан нима келса, шунга интилаяпти.

Қишлоғимизда Фозилжон ака деган одам яшарди. Илгари ширкат хўжалигида ишлаган.

йўқ, тўмтоқ. Лекин арифта қўларини жипслаштириб, қаламни жойлаб олди-да, расм чиза бошлади. Соппа-соғ қўл, қалам тутган бармоқлар ёрдамида ҳам бу қадар жонли, гўзал расмлар чизиш амри маҳол.

Ишга яроқли одам борки, тирикчилик ўтказиш манбаини топса бўлади. Бу мавзуга қўл уришдан мақсад, енгил-елпи иш билан андармон бўлаётган эр-йигитларимизни қоралаш эмас, балки вақтинчалик ором ва ҳаловатдан иборат тор манфаатни қўзлаб яшаётган умринг бемақсад, беъма-но ўтиб кетишини эслатиб қўйишдир.

Ҳақиқий эркек ҳеч қачон чарқоч ва рухий заифлик олдида бўй эгишни тан олмаган. Оғир меҳнатдан тиз чўкмаган. У доим қийинчиликни кураш билан енгишга ўрганган. Оғир меҳнатдан қочиб матонатсизликдир.

Қўпнча аёллар таърифи қўшиқларда, шеърларда қўйланади, унинг қадди ростлигини сарвга, нозиклигини иппакка, гулга, ҳусн-жамолини ойга, юлдузларга қиёслашади. Бирок, жонини жабборга бериб, тинка мадорини қуритаётганга четдан томошабин бўлиб қараб туриш - эр кишига ярамлайди.

"Битмас ишнинг бошига, ботир келар қошига", деган нақл бор элда. Мана шунақа битмас ишлар қошига аёллар эмас, қоригада ўти, билагида кучи бўлган эркеклар келишини истаимиз. Шунда эркеклар ишини хотинлар, хотинлар ишини эркеклар бажармайдиган бўладилар. Шундагина ўстираётган ўғил-қизларимиз ҳам ҳаётда ўзига муносиб касб-корнинг эгаси бўладилар.

Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА, Андон шаҳри

ТЕЛЕВИЗОР ҚАРШИСИДАГИ БОЛА

Тарбия соати

риб, олифта бир ҳаракат билан бармоқларини қарсиллатган заҳоти ортидаги автомобил гўмбурлаб портлаб, атроф ёришиб кетади. Машина ичидagi ларнинг олов ичида чор тарафга учиб тушганлари ҳам кўринадди. Даҳшат! Айни шу дам ўғлингиз ё кизингиз қўлларини мушт қилиб замонавий тилда "Йие-есс!" деб юборса, нима дейсиз!

Энг ёмони унинг кўзларида афсус эмас, ҳайратни кўрсатса. ҳозиргина бир лаҳзада туртга одам ҳаётига зомин бўлган "крутой" (бу сўз ёшларнинг луғатига шунчалик ўрнашиб олганки, ўхшашини тополмадим) қаҳрамонга ҳавас қилаётган фарзандингизга қараб нима дейишни билмай қоласиз. Назарингизда, гапиришдан фойда йўқ.

Хорижий нашрлардан бирида болаларнинг тажовузкорлиги ҳақидаги маълумотларга кўзим тушиб, юрагим увишиб кетди: "Фалон шаттада мактаб ўқувчиси еттига синфдошини отиб ўлдирди, "Фалон шаҳарда талаба аудиторияда автоматдан ўқиб, ун нафар йигит ва қизни ҳалок қилди"... ва ҳоказо вужудни музлатиб юборадиган гаплар. Тўғриси, бу мисоллар асосан Ғарб мамлакатларидан келтирилган. Лекин бу одамзот боласининг муаммоси, ахир! Мақола сўнггида ёшларда зуравонлик, шафқатсизлик каби иллатлар кўрсатилган. Бу борада ғарбликларнинг ҳам, бизнинг ҳам фикримиз бир жойдан чиқаёттир: ур-йиқит, одамни чуқолидек ўлдирди акс эттирилган кино болини бераҳм қилиб тарбиялайди. Ҳўш, у ҳолда қандай чора қўриш керак?

Агар ҳаёлингизга келган би-

ди ва юқори қават деразасидан сакраб, ҳалок бўлади. Биринчи гуруҳ кинозалга киритилишидан аввал, ўқитувчи уларга қизнинг фожиаси ҳақида кенг тушунча берган. Сўнг томоша пайтида уларнинг ҳаяжон билан кўрганлари, охирида ҳатто бир-иккита қизлар кўз ёш қилганларини кузатган. Иккинчи гуруҳ ҳеч қандай шарҳсиз, тўғри залга киритиб юборилган. Фильмни тайёргарликсиз, ўз ҳолича кўрган ўқувчилар асосий эътиборни пардозсиз лаъзаларга қаратиб, пиқиллаб кулишган, уялишган, қаҳрамоннинг сўнги изтироблари, фильм охиридаги кульминацион нуқта эътибордан четда қолган. Бу сафар болалар хулоса қилмаганлар. Ҳа, тўғри англадингиз, биз фарзандларимиз берилиб кўраётган хар қандай кўрсатувга ўз муносабатимизни билдириб туришимиз, шу аснода унинг мушоҳадаларини тўғри йўналтириб боришимиз керак. Бояги портлаш сахнасидан кейин ҳам албатта, фикр билдиришингиз лозим эди. Эзгулик, инжа қадриятларимиз мадҳ этилган томошаларни олиқлашаб, ҳаёсиз, зуравонлик акс этганларини танқид қилишдан чарчаманг. Бола тобора катталар фикрига қулоқ туттишни, хулоса чиқаришни ўрганади, кўрсатув ва фильмларни саралаб олади. Вақт жиҳатдан чегаралаш учун эса албатта фойдали машғулот билан банд қилишингиз лозим. Қидиринг, изланинг, ўғил-қизингизда нимагадир лаёқат бўлиши керак. Жуда бўлмаса, ҳам беағи, ҳам мазмунан чиройли китоблар соғва қилинг, мутоала оламига етакланг, бу албатта натижа беради.

Гулчехра АСРОНОВА, Фарғона шаҳри

ФАРЗАНДИМ БОРУ, ЛЕКИН...

- Оилада тўрт қиз, бир ўғилмиз, - дея гапини бошлади кўнгирик қилаётган аёл. - Қизлардан учинчисиман. Опаларим турмушга чиқиб, навбат менга келганида: "Ўқишимни тугатиб олай", - деб унамадим. Уша пайтда мен Тошкент педагогика институтига ўқирдим. Курсдошимни севардим. У ҳам мени севарди. Лекин севиш бошқа, ҳаёт бошқа экан. Бизнинг орзу-умидларимиз армонга айланди.

- Нера?

- Иккинчи опам автохалокат туфайли бу ҳаётдан бевақт кўз юмди. Унинг қизалоғи эса...

Опанинг барча маъракалари ўтди. Маъракалардан сўнг бир йил ўтиб, қудатомон почамни яна уйлантириш пайига тушиб қолдик. Уларни почамданам кўра жиянимнинг тақдирини ташвишлантирарди. Шу туфайли икки қудалар маслахатлашиб, мени почамга турмушга берадиган бўлишди.

- Сиз қаршилиқ қилмадингизми?

- Менинг кўнмасдан бошқа иложим йўқ эди. Чунки биз фарзандлар ота-онамнинг чизган қизигидан чиқмасдик. Шундай қилиб, мен опанинг хонадонига келин бўлиб бордим. Менга жуда оғир эди, чунки опанинг уйидаги ҳар бир буюм уни эслатарди. Баъзан эса мени таъкиб қилаётгандек туюларди. Уй юмушлари, бунинг устига янги келинчақ бўла туриб, болани ҳам эплашим керак эди. Бир ёқда ўқишим...

Қизимизни боғчага жойлаб, ўзим ҳам ўша боғчага тарбиячи бўлиб ишга кирдим. Ҳам ўқиб, ҳам ишлаб юрардим. Турмуш ўртоғим ҳам, қайнонам ҳам менинг кўнглимга қарашадан-ю, лекин негадир ҳаммасини эплаб кетолмайманми, деб кўрқардим. Шундай ҳақиқат орадан йиллар ўтиб борарди. Вақт ўтиб, қизимиз ҳам вояга етди. Бироқ тақдирини қарангки, худо ўзимга фарзанд бермади... Гарчи эрим ҳеч нарса демаса-да, эзилиб юрардим. Қизим билан овунардим. Бироқ бир кун келиб

қизим ҳам, эрим ҳам мендан юз ўғирлигини етти ухлаб тушимга кирмаганди...

Бир куни ишдан қайтсам, қизим йиғлаб ўтирган экан.

Сабабини сўрасам:

- Сиз менинг онам эмассиз! Менинг ахволимни сўрашга сизнинг ҳаққингиз йўқ, - дея бақира кетди дабдурустан.

Қизимнинг бундай терс жавобидан тахтадек қотиб қолдим. Бироз ўйланиб турдим-да, кейин ўзимни қўлга олиб:

- Бу нима деганинг! Қаердан олдин бундай гапни? Мен сенинг ҳақиқий онанг бўлмасам ҳам, уримни сенга бағишладим. Ҳаётимнинг айнаи гўзал дамлари сен билан ўтди, - дедим босиқлик билан.

У ҳам ўзини зўрга қўлга олиб:

- Майли, шундай ҳам дейлик. Лекин бу гапларни ўзингиздан эшитишим керак эди, - деди.

Мен эса:


- Ҳаммасини ётиги билан тушунтирмоқчи эдим, аммо ҳали эрта деб ўйлагандим. Бироқ ҳаммасидан хабар топибсан. Энди мени она деб атайсанми-йўқми ўзинг биласан, нима бўлганда ҳам мен сени боқиб, катта қилдим, - дедим-у, хонадан тушкун ҳолатда чиқиб кетдим.

- Бу сирни ким фаш қилибди?

- Қайнонамдан сўраб билсам, оёсиним бор ҳақиқатни қизимга гапириб берган экан. Буни қайнонам ҳам эшитиб қолибди. Қизим бу сирдан бир кунмас бир кун хабар топишини кўнглим сезарди. "Гап қувган балога йўлиқибди", деганларидек гапнинг кетидан қувмадим.

Бу гап-сўзлардан кейин анчагача жуда эзилиб юрдим. Менинг ҳолатимни кўрган эрим: "Майли, қўявер. Кўп сиқилаверма. Ҳали ёш-да, сени тушунмаган. Сал ақли тўлишсин сени тушунади, қадрингга етади", - дея менга таскин берди.

Шунча машабадан кейин биз она-бо-



Кўнгирикларингиз...

Кизимга танбёх берсам: "Сиз менинг онамдингиз?! Мен билан ишингиз бўлмасин, сиз ким бўлибсизки, менга ақл ўргатасиз?" - дея жеркиб берадиган бўлди.

Бир куни ҳатто қизим билан қаттиқ уришиб ҳам қолдик. У мени қўпол сўзлар билан ҳақоратлади. Бунга чидай олмай бир сидра кийимларимни йиғиштириб,

ланинг муносабатларимизга дарз кетди.

катта опамникига кетиб қолдим. Чунки ота-онам ўтиб кетишганди. Акамникига борай десам, келинонимнинг кинояли гаплари менга оғир ботарди.

Опам бор гапдан хабардор бўлган: - Қизинг билан 18 йил яшаб қўйдинг. Бу ёғига ҳам чидашингга тўғри келади. Вақт ўтиши билан қизинг ўзига келиб қолар, - дея мени ҳовуридан туширди.

- Эрингиз кетингиздан келмадими?

- Эртаси куни эрим мени олиб кетгани келди. Мен опанинг гаплари таъсирида индамай олдига тушиб кетавердим. Бундан бошқа чорам ҳам йўқ эди. Уйга борсам, қизим пешвоз чиқиб, мендан кечирим сўради. Қизимни кечирдим. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан. Муросаи мадора деганларидек қизим билан ҳеч нарса бўлмагандек гаплашиб кетдим. Бироқ бора-бора эримнинг ҳам менга муносабати ўзгара борди.

Синган кўзани тиклаб бўлмагандек, менинг кўнглим ҳам ўз ҳолига келмади. Юрагим хувилаб қолди. Бўйи етган фарзандим бўла туриб, умримда биринчи бор фарзандга зордек сездим ўзимни. Шу хонадонда ўтган ўн саккиз йиллик умримга ачиниб кетдим. Эссизгина менинг ёшлигим...

Худойим ҳам ўзимга фарзанд бермай, тирноққа зор қилди.

Ҳозирда эрим билан ажрашиш арафасида турибмиз. Борарга жойим ҳам йўқ. Бошим қотган... Нима қиларимни билмай, тахририятга кўнгирик қилаяпман.

- Тахририятга кўнгирик қилиб яхши қилибсиз. Дардингизни айтиб, юрагингиз

анча бўшагандир. Фарзандингизга келсан, у мустақил ҳаёт бўсағасида турган экан. Ҳадемай, оила қуради. Фарзандли бўлади. Шундагина сизнинг қадрингизга етади. Сиз руҳингизни туширманг. Оллоҳ бандасини хўрлатиб қўймайди. Ўзи қўллайди. Азиз газетхон! Ушбу опахонимизга фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, кутамиз.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА

Тушдан сўнг тахририятга бир аёл кириб келди. У жуда чиройли, қимматбаҳо кийимлари ўзига ярашган эди-ю, лекин кўз қарашлари қаттиққина эди. Аёл ўтирди-да:

- Исми Зумрад. Мени илк бора кўрганлар жуда бахтиёр аёл экан, деб ўйлашлари мумкин. Аслида бошимга жуда кўп савдолар тушган. Ҳарқалай анча иродам кучли экан, ениб, яна ҳаётга қизиқиб яшаб юрибман. Ҳозир тўрт ёшли ўғилчам бор. Шу билан овуниб, дардларимни эсимдан чиқараман. Шунча кўргуликларим етмагандек, бошимга яна бир ташвиш тушди, - у сўзини бир зум тўхтатиб, қўлидаги рўмолчани кўзларига босди.

- Нима ташвиш экан?

- Ташвишим кўп. Энг оғир ахволга солиб қўйгани эса эримнинг қилмиши бўлди... Уни ҳиёнат устидеда тутиб олдим... Унга турмушга чиққанамдан пушаймонман. Ҳамма бало опанинг уй олишидан бошланди. Мен мактабни битиргани, энди бирорта ўқишга кириш тараддуидеда юргандим. Поччам менга:

"Зумрад, бориб уйни тозалаб тур. Биз ҳозир опанг билан борамиз", - дея мени уйга жўнатди. Мен ҳам соддалик қилибман. Бир пайт у ёлғиз ўзи,

опанинг иши чиқиб қолганини айтиб кириб келди. Ичганлиги сузилиб турган кўзларидан сезилиб турарди. Ўшқини қўлфлаб, менга ташланди. Шу куни у ҳаётимни поймол қилди.

- Бу ҳақда кимга айтдингиз?

- Ҳеч кимга айтмадим. Лекин кўп ўтмай ҳомиладорлигим маълум бўлди. Опам ик-

роз бўлсам ҳам барибир менга уйланишни айтди.

- У йигитга турмушга чиқдингизми?

- Ҳа! Уйдагилар норози бўлишса-да, тўйга розилик бердим. Онам ачиққлиниб менга бор йўғи иккита кўрпа, иккита кўрпачани сеп қилиб узатди.

- Эрингиз билан бахтли эдингизми?

- Аввалига жуда яхши яшадик. У онам қилмаган нарсаларини ўзи олиб беради. Аммо бир куни мендан ким қизлик номусимни топтаганини айтишимни талаб қилди. Мен эса айтиб қўйдим.

Шундан сўнг у ичадиган бўлиб қолди. Шунинг оқибатида жиноят қилиб, яна қамалиб кетди. Мен уни яхши кўрганим учун қамокдан келгунича кутдим.

- Қайнонанинг уйида кутдингизми?

- Ҳа, чунки борсам ота-онам мени уйга киритишмасди. Хуллас, эрим келгач анчагача фарзанд

кўрмадик. Қайнопаларим эримга бир аёлни олиб беришмоқчи бўлишганини эшитиб қолиб, жанжал қилдим. Айна шу пайтда, ҳомиладор эканлигимни сезиб қолдим. Вақти келиб бир ўғил кўрдим. У бир ойлик бўлганида эрим яна қамалиб кетди...

- Яна нима қилдингиз?

- Бозорда бир эракни пи-

УНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

чоклаб қўйибди.

- Эрингиз ёнида пичок олиб юрарми?

- Йўқ. Қайнонамнинг айтишича, у илгари бир йигитга суқиб олган пичогини ҳовлининг бир четига кўмиб қўйган экан. Уйга югуриб келиб, шу пичогини олиб чиқиб кетибди. Орқасидан югуриб, ета олмай қолдим.

- Уша пичокни нега берикитган жойидан олиб ташлаб юбормаганизлар?

- Қайнонам буни билгани учун ҳовлимизнинг ҳамма бурчагига қовлаб чиққандик. Лекин топа олмагандик. Биз шунча уриниб топа-

олмаган пичокни ўзи бирпасда топиб олибди.

- Ҳозир қаерда яшааясиз?

- Онам шўрлик ўзидан қийиб-қимтиб, менга икки хонали уй олиб берди. Эрим қамокдан тўғри шу уйимизга келди. Лекин у қамокхонадан сил касалини юктириб келибди. Ранги заҳил бўлиб кетган. Шунчалик уни қутиб, бошпаналик бўлиб, болага қараб ўтирганим учун хурсанд бўлиш қаёқда? Аслида ҳайдаб юборсам бўларкан...

Истаса уйга келади, истасамас йўқ. Мендан бошқа аёл бўлганида сил касалга йўлиққани учун уйига ҳам киритмаган бўларди. Эрим бўлса менинг ишончимни, журматимни оёқ ости қилаятти. Болам етим бўлмасин, боши эгилмасин, деб ҳамма қилмишларига чидаб келяпман. Ажрашиб кетсам, кейин пушаймон бўлмасмиканман?

Ҳозир ота-онам, ақилларим эримдан қўрқиб уйимизга келмайдиган бўлиб қолишган. Мен бўлсам икки ўт орасиданман. Қандай иш тутсам тўғри қилган бўламан?

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Азизлар! Зумрадга қандай маслаҳат берсан бўлади? Хатларингизни кутиб қоламиз.

ГУЛБАШАКАР

“Ўйламай иш тутдимми?” - 50-сон, 2007 йил.

ЭСЛАТМА: Турмуш қурганимизга 4 йил бўлса-да, тирноққа зор эдим. Қайнонамнинг бир оғиз гапи билан опа уйига кетаман. У ерда ҳомилаларлигим маълум бўлади. Қайнонам: “Бола кимдан бўлганини худо билади”, дебди. Болам туғилса, қайнонам ДНК қиладириб, сўнг олиб кетмоқчи. Лекин уларга боланинг тирноғини ҳам кўрсатмоқчи эмасман...

Муаллиф: Гулбашакар

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ОТАСИЗ БОҚМАНГ!

Ушбу мақолани ўқиб, бизнинг маҳалламизда 4 ўғил, 4 қизни тарбиялаб, вояга етказган Турсуноя опанинг оиласи ҳақида эъжим келди. Уша 80-йиллар Турсуноя опа биринчи фарзанди Фаффоржонни ўзи ектирган қизга уйлантиришди. Олдига жуда яхши яшаб келишди. Лекин 5-10 йил ўтсада, ҳадеганда фарзанд кўришмади. Қизни ота-оналари олиб кетмоқчи бўлишди. Лекин Турсуноя опа рухсат бермади. Зебохоннинг қайнонасига ўхшаб шошилмади. Биринчи фарзанда уй солиб чиқариб юборишди. Чунки орқасида уйландиган қатор укалари бор эди. Қайнонаси кунора бориб, ўғлига, келинига насиҳат қилиб, уларнинг кўнглини кўтариб: “Хафа бўлманглар, фарзанднинг эрта-кечи йўқ, ажаб эмас фарзандли бўлсаларингиз”, деди. Зебохоннинг қайно-



Ҳаммамиз суюнчи бергани тўйга бордик. Кудалар жуда хурсанд. Ҳозир ўғил 11 ёшга тўлди. Яна бир ўғил, бир қиз дунёга келди. 3 фарзандли бўлишди.

Ушбу мақоладаги қайнона

насиға ўхшаб, “Ўғлимнинг умрини ўтказиб юрибсан, ўғлимни бошқага уйлайман. Мен ҳам набира кўрай”, деди. Кейинги ўғиллар фарзандли бўлишди. Лекин акасида йўқ...

Дўхтирларга кўрсатганлари зое кетмади, 15 йил деганда ўғил фарзандли бўлишди. Хурсанд бўлишганидан 3 ёшлигида суннат тўйи қилиб беришди.

бўлиш, сиз ҳам шошилмай, шундай озода, пазанда келинни ҳўрламай, Турсуноя опага ўхшаб, сабрли бўлганингизда, ўғлингизни севган оиласидан ажратмаганингизда, шу янги бўлган ҳомиласизнинг хонадонингизда юз берган бўларди. Келин бошқоронглигини айтса, қап-катта аёл шундай пок аёлни ерга урибсиз. Ўғлингиз ҳам: “Ўзингиз биласиз”, дебди. Балки сизга аччиқ қилгандир. На-

ҳотки, яхши кўриб, уйланган оилангни қўйиб юбор, десангиз. Ўғлингизга қандай бошқоронғу бўлгансиз? Уша даврингизни бир эсга олинг. Ўзингизни келиннингизнинг ўрнига қўйиб кўринг.

Келиннинг холасига: “Туғсин-чи, боламдан бўлган бўлса, олиб келаман”, дебсиз. Шундай ажойиб, оғир-вазмин, озода келиндан бўндай иш чиқишига мен ишонмайман.

Қизим, Зебохон. Агар фарзандли бўлсангиз, эрингиздан хафа бўлмай, ўз оилангизга қайтинг. Эракларни гапи ичида. Балки хижолат бўлганидан сизга бирон гап айтиб, ёнингизни ололмагандир.

Балки у онасининг гапини қайтаролмагандир. Фарзандли бўлганингизда агар қайнонангиз сизни олиб кетса, эрингиз ва қайнона-қайнонангизни кечириб бораверинг. Ҳали ёш экансиз, фарзандингизни отасиз боқманг. Бир кун келиб, сизга, “дадам қани”, деса, нима деб жавоб қиласиз?..

Паттихон САМАДОВА, Фаргона вилояти.

Зебохон! Жаҳонгир билан севишибсиз, қайнонангиз бахтингизга тўғаноқ бўлибди-да. Жаҳонгир бахтим, деб курашибдию, охири онасига бўйсунибди. Қатъиятсиз экан. Онасининг қаршичилигини билар экансиз, тўйга розилик бериб нима қиларингиз?.. Озгина сабр қилсангиз, бахтингизни топармидингиз? Келиннинг фарзандли бўлишини 10-15 йиллаб кутган эр ва қайноналар эмас! Қайнонангиз жохил, маънавияти саёз аёл экан. Жаҳонгир эса

Оллоҳнинг кичик бир синови олдида аввалги дадиллиги, қайсарлиги, курашувчанлиги журъдини йўқотиб қўйди. Бу билан сизни уларга қарши қайрамоқчи эмасман. Қайнонангизнинг фаҳм-фаросати ўзига яраша. Сизнинг фарзанд кутаётганингизни эшитиб: “Ўғлимдан боласи бўлмаганди-ку! Бирортасини топиб, яқинлик қилгандир-да”, дейди. Шалқоқ оғиз экан. Бу билан ўғлини яроқсизга чиқара-йди-ку! Она-бола чин дилдан кечирим сўрашса борарсиз? Қўшнинг ҳам уяси бузилмагани яхши. Жаҳонгир билан яшаш-

яшамаслигингизни вақт кўрсатади. Аммо сиз кайфиятингизни туширмаслигингиз керак. Сиздаги ноҳуш кайфият болангизга ўтади. Боланинг келажақда қандай инсон бўлиши айна вақтдаги “тарбия”нгизга боғлиқ. Китоб ўқинг. Қўшқ айтинг. Пазандлик, чеварлик қилинг. Болангизга гапириб туринг. Бу дас-турлар у туғилган “ишлай” бошлайди. Сиз учун ҳозирча мана шуниси муҳим.

Жаҳонгир ва онасига инсофу тавфиқ тилаймиз.

КУКҚУРҒОНИЙ

ЯХШИ ОШИН ЕЙДИ...

Наргизанинг мақоласини ўқиб, Ёдгор бахшининг қуйидаги сатрлари хотирамдан кечди: “Яхши ошин ейди, ёмон бошини, боғда тикан бўлманг, боғдон билмасин...”

Наргиза, сен аввало, қатъий бўлмоғинг лозим эди.

Наргиза, биринчи бор таксига минганида, очкилик қилмай, йўл ҳақини машинанинг ичига ташлаб кетганинг-да Умарбойнинг оёғини илк бора чеклаган бўлардинг. Сенинг кўнглинчалигини Умар ва шунга ўхшаганларга қўл келаяпти. Умарга яқинмай, аксинча турмуш ўртоғини бафуржа воқеадан хабардор

қилиб, ундан ҳимоя қилиш чораларини топишни келишмоғинг жоиз эди.

Наргизахон, охириги учрашуга чиқисини рад қилмоғинг лозим эди. Энди кўз олдинга келтир. Охириги учрашув... Бу ҳеч қачон яхши натижа бермаслигини обдон ўйлаб кўр! Агар Умар йиғитлик гурури, оталик бурчи, оилага меҳрибонлигини ўйлаб иш тутганда эди, сени охириги учрашувга олиб бормаган бўлур эди. Умарда андиша йўқ. У шахвоний хирсининг қули. У оила бузмокдан бери эмас. Ўзининг севиб олган оиласи қадрини билмаган, сенинг ҳўрматингни жойига қўя билармиди? Охириги учрашувга эринг билан ёки орган

“У мени тинч кўярмикан?” - 37-38-сонлар, 2007 йил

ЭСЛАТМА: Бир максичи йўғит билан танишиб қолдим. Ўйламай уйимизнинг телефон рақамини айтиб қўйибман. Икки болам ва эрим бор. Уйимизга қўнғироқ қилавералам. Яқинда учрашувга чақирам. Чикмасам эримга айтмас эмиш. Нима қилай? Учрашувга чиқаёму? Ёки...

Муаллиф: Ноаура

ҳодими билан бирга борсанг ҳам, сен учун тинч кечмаслигини хотирангдан чиқарма!

Эрғаш АТОЕВ, Навоий вилояти.

Акс-садо

ЯХШИЛАБ ЎЙЛАБ КЎРИНГ!

Мақсуджон! Бошингизга тушган ёлғизликни ўқиб, жуда таъсирландим ва ўтмишдаги воқеалар эсимга келди.

Уруш даври эди. Эракларнинг деярли ҳаммаси урушга кетган. Бир оилада уч бола билан қолган аёл ҳам тўсатдан вафот этди. Уларнинг элу хешлари бўлса-да, бу болаларни боқиб, катта қилиш имконияти йўқ эди. Чунки элу хешларнинг ҳам бариси аёллару болалар эди-да. Бу етим болаларга қарайдиган киши йўқлиги сабаб, уларни шу тумандаги болалар уйига топширдилар. Болаларнинг каттаси 10-12 ёшларда эди, укаси 8 ёшда, сингиллари 6 ёшли болалар эдилар. Булар “Болалар уйи”да тарбияланиб, мактабни шу ерда битирдилар. Қизни бир фарзандсиз аёл келиб олиб кетди. Катта акиси аёл билан учрашиб, уй манзилларини олиб қолди. Ушанда қиз 13 ёшда эди.

Уруш тугагач, йигитлар касб эгалари бўлиб ўзлари туғилган қишлоқларига амаки-тоғалари ёнига келиб, ўша даврдаги машина трактор станцияси (МТС)да слесар бўлиб ишлай бошладилар. Болалар сингиллариникига ҳам бориб келиб турдилар.

Мақсуджон! Энди сизга келсак, сиз болаларни олиб келсангиз, уларга ким қарайди, ўзингиз ҳали уйланмаган бўлсангиз. Яна янгангиз болаларни умуман ёқтирмасла. Демак, сиз болаларни олиб келиш учун аввало янгангиз билан келишингиз керак. Агар у болаларга қарашса, унда олиб келинг, ахир сиз ишлашингиз ке-

“Келинонимга инсоф кирса” - 47-сон, 2007 йил

ЭСЛАТМА: Акамнинг хотини икки болалик бўлагач, “гапу гауша-к”дан бери келмай қолди. Бир кунни акам уни тергаб, урган экан, келиноним болаларни олиб, уйдан кетиб қолди. Ажрашишгач, келиноним болаларни “Болалар уйи”га бериб юборди. Акам ўйлайвериб, ичкиликка ружу қўйди, сўнг кўп ўтмай, вафот этди. Ундан кейин онам оламан ўтачалар. Болаларни олай десам, келинонимдан рухсат керак экан. Нима қилай?

Муаллиф: Гулбашакар

рак-ку, унда болалар қаровсиз қолиб ҳоли не кечади?..

Агар янгангиз рози бўлмаса болаларнинг тинчини бузманг. Чунки янгангиз турмушга чиқишни ўйлаётгандир, икки бола билан эса турмушга чиқиш ҳам мушкул. Шунинг учун болалар ҳозирча ўша ерда тарбияланаверсин. Сиз эса тез-тез хабар олиб туринг. Ҳозир сиз уйланиш фикрида бўлинг, уйланиб, рўзгорингизни тинчитиб олинг, сўнг келин болангизни маслаҳатлашиб, бу ишни ҳал қиларсиз.

Бу албатта менинг фикрим. Агар болалар тарбияси билан шугулланганидан бирор тўғишганларингиз бўлса, унда улар билан маслаҳатлашиб, болаларни олиб келишингиз ҳам мумкин. Ишқилиб бу ҳолатни яхшилаб ўйлаб кўринг.

Раззоқ ҲАКИМИЙ, Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри.

БИР-БИРИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ!

“Тилла узукни деб...” - 2-сон.

ЭСЛАТМА: Онам қайнонамнинг туғилган кунда унга тилла узук совға қилдилар. Қайнонам эса узукни тақмади. Эримга айтсам, “қўнвер”, деди. Аммо, бу ҳол ўртамизга совуқчилик туширади. Нима қилашга ҳайронман...

Муаллиф: Гулбашакар

ди ёки ўғли яхши-ю онаси ёмонми? Қайнонангиз оғизга ёқаганидан бирор бир таом тайёрланг ё кизлариникига меҳмонга боришни таклиф қилинг, бирга бориб қайнонангизни кулоғига хуш ёқагини гап гапиринг, “ой-ижон-ой-ижон” деб атрофда парвона бўлиб, ширин муомила қилинг. Уйлайманки, шундан сўнг ҳар қандай онанинг бағри тўлиб, бор аламларини унутди ва яна аввалгидек яшай бошлайсизлар.

Эрингизга ҳам онангиз ундай қилди, онангиз бундай қилди деб айтиб, гапни қўпайтираверманг. Биздан, сиздан яхши ном қолсин ҳаётда! Шунинг учун илтимос, бир-бирингизни авайлаб яшангизлар.

Зебинисо ҒАФҒОРОВА

ТАБРИКЛАЙМИЗ

БОР БЎЛСИН, ЯХШИЛАР!

Инсон борки, меҳр кўришни, ширин сўз эшитишни ва соғлом бўлишни истайди. Мабодо соғлигингиз ёмонлашиб қолса-чи? Албатта шифокорнинг чехрасига термулиб, нахот кутасиз. Кўли энгил ва меҳрибон шифокорларнинг муолажалари боис соғайиб, яна ҳаётга ва оиласи бағрига қайтган инсонлардан тахририятимизга жуда кўп мактублар келади.

“Ярим тунда кичик укамнинг иситмаси кўтарилиб кетди. Ахволи жуда оғир эди. Уни вилоят касалхонасига олиб келдик. Изтироб ва таъшидан ёмон ахволга тушгандик. Болалар бўлими шифокори Бахтиёр ака Қаршибоев билан шифокор Шавкат ака Дадабоевлар укамга ташхис қийишди. Муолажа қилишди. Укам кўп ўтмай соғайиб кетди”, - деб ёзади **Сирдарё вилояти, Боёвут туманидан Фуркат Каримов**.

“Бир куни ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Кеч-га бориб ахволим оғирлашди. Уйдагилар Чирчиқ шаҳридаги онкологик касалликлар шифохонасига олиб келишди. Шифокорлар мени узоқ текшириб кўришгач, операция курсисига олишди. Операция муваффақиятли ўтди. Орадан бироз вақт ўтиб мен яна оилам бағрига қайтдим. Шифокорлар С. Давронов, М. Нурматова, С. Рўзиев, Р. Юлдашев ва Ж. Сайфиевлардан бир умр миннатдорман”, - деб ўз миннатдорчилигини билдиради мактубида **Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сойлик қишлоғидан Марҳаматхон Норметова**.

“Меҳнат таътилим пайтида бир гапдан хафа бўлиб кечаси билан йиғлаб чиқдим. Эрталаб эса ўнг кўзим кўрмай қолди. Кейин Тошкент шаҳридаги Республика кўз касалликлари шифохонасига бордим. Шифокор Муҳаббат Иброҳимова мени операция қилиб, кўзларимга нур қайтарди. Яна дунёни, яқинларимни кўра олиш бахтига сазовор бўлдим. Яхшиямки дунёда Муҳаббат опадек ажойиб шифокорлар бор экан...” - дея ҳикоя қилади ўз мактубида **самарқандлик Зухра-хон Якубова**.

“Кўз ойида шамоллаб қолдим. Тинимсиз йўталдан кўзларимга ёш келиб, тинкам қурийдиган бўлиб қолди. Бир дуго-

намнинг маслаҳати билан Кўкон шаҳридаги “Кардио-сервис” шифохонасига мурожаат қилдим. Мени бош шифокор Ўқтамжон Тўхтабоев билан Саиддахон Анваровлар палатага жойлаштиришиб, обдон текширишди. Маълум бўлишича қатъли йўталишдан юрагим кенгайиб кетган экан. Бу меҳрибон инсонларнинг муолажалари соғайиб кетишимга катта ёрдам берди. Уларга ҳамisha соғлиқ ва узоқ умр тилайман”, - ушбу сатрлар мухлисимиз **(Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани) Чўлпоной Усмонованинг** мактубидан келтирилган.

“Келиним Жумахоннинг боши бот-бот оғрийдиган бўлиб қолди. Уйимизда оғир иш йўқ. Ҳаммамиз уни авайлаймиз. Охири келинимни Кўкон шаҳар шифохонасининг неврология бўлимида ишлайдиган шифокор Азизхон Алиевнинг олдида олиб бордим. У текшириб, даволашни бошлади. Келиним ўн кундан сўнг соғайиб уйимизга қайтди. Азизхон Алиев нафақат дори - дармонлар, балки ширин сўзлари билан ҳам даволайди”, - деб ёзади фаол муаллифларимиздан бири, **Фарғоналик Паттихон Самадова**.

Бухоро вилояти, Фиждудон шаҳридан меҳнат фахрийси Иброҳим Раҳимов шундай ёзади:

“2006 йил апрел ойида Тошкентдаги “Нуроний” шифохонаси Кардиология бўлимига даволаниш учун бордим. Кардиолог-врач Юнусова Азиза Эгамбердиевна менга аниқ ташхис қўйиб, даволай бошлади. Юрак соҳасида нохуш оғриқлар йўқолиб, ўзимни энгил ҳис эта бошладим. Тажрибали шифокор нафақат дори-дармон билан, балки ширин сўзи билан ҳам даволаганлиги туфайли ҳозирги вақтда анча яхшиман. Мен кўп касалхоналарда даволанганман. Кўп шифокорларни кўрганман, лекин Азиза Эгамбердиевадек шифокорни биринчи марта учратишим. Умуман шу бўлимдаги барча шифокору ҳамширалардан миннатдорман.

Истардикки, эл соғлиги йўлида меҳнат қилаётган шифокорларнинг ўзлари ҳам соғ бўлишсин!

БАСИРА



Ааажонимиз Ўткир ака АКБАРОВ!
Таваллауд ай-ёмингиз — 70 ёшингиз кўпма-бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик бахт тилаймиз. Яқинларингиз

ГУЛНОРАХОН!
Таваллауд ай-ёмингиз кўпма-бўлсин. Ҳа-миша соғ-омон бўлиб, узоқ умр кўринг. Сизга бахт-саодат, фарзана-ларингиз роҳатини кўриб юришингиз-ни тилайман. Яқинларингиз



Ааажонимиз Олимжон УЗОҚОВ!
Таваллауд ай-ёмингиз — 56 ба-ҳорингиз билан табриклайман. Бахт-шумизга соғ-омон бўлинг. Қизингиз Иқболхон

Ҳурматли Комилжон РАХМОНОВ!
Туғилган кунингиз кўпма-бўлсин. Ум-рингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин. Умр йўдошингиз, кўёвингиз ва ки-зингиз. Хоразм вилояти.



Курсдошимиз РУСТАМ!
Туғилган кун-ингиз билан табрик-лайман. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқиш ва ишларин-гизда муваффақ-ият тилайман. Назоқатхон

Келинимиз ДИЛНОЗАХОН!
 «Гордость и предубеждение».

SPORT

8.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида)
 8.20 «Кувнок стартлар».
 9.00 «Бодрое утро».
 10.00 «Хабарлар» (рус тилида)
 10.20 Мультфильм.
 10.30 «Пока все дома».
 11.20 «Фазенда».

12.00 «Аптека слушает».
 12.45 «Вокруг света».
 13.30-14.20 «Проф-РИНГ».
 18.00 Мультфильм.
 18.10 «Муслик тайм».
 18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
 19.00 «Спорт уик-энд».
 19.40 «Тайм-аут».
 20.00 Кураш. Ўзбекистон чемпионати.
 20.40 «Две звезды».
 21.30 «Талкин».
 22.00 «Две звезды» (продолжение)
 23.10 Еврофутбол. Италия чемпионати. «Парма» - «Милан».

TV-MARKAZ

07.00 Ўзбек наволари
 08.00 Мировые хиты
 09.00 «Шанба окшомида»
 09.30 «Бэби хитс»
 10.00 Мультфильм
 12.00 Мировые хиты
 13.00 Ўзбек наволари
 14.30 Сериал «ЖАССИГА УХШАШИ ЙУК» 69-73 сериаллар
 17.00 Ильхом Фармонов концерты
 19.00 «Седьмой день» (итого)
 19.30 Ўзбек наволари
 20.00 «Премьера» (ўзб)
 20.30 Ўзбек наволари
 21.30 Сериал
 «TALABALAR.UZ» 18-сериал
 22.00 «Еще раз про любовь»
 «ГОРДОСТЬ И ПРЕДУБЕЖДЕНИЕ» худ. фильм
 00.20 Миксер

6.00 Новости
 6.10 «Голубая кровь». Документальный фильм
 6.40 Эльза Леждей, Михаил Ульянов в приключенческом фильме «Слушайте на той стороне»
 8.30 Служу Отчизне!
 9.10 «Умники и умники»
 10.00 Новости
 10.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
 10.30 «Пока все дома»
 11.20 «Фазенда»
 12.00 Новости (с субтитрами)
 12.15 Галина Польских, Евгений Матвеев в фильме «Любить по-русски»
 13.55 Ирина Метлицкая, Николай Еременко в фильме «Роман в русском стиле» («Роман а La Russo»)
 15.25 Фильм Эльдара Рязанова «Андрей Миронов. Жизнь без любви»
 18.35 «Магия десяти»
 19.30 «Две звезды»
 21.00 Воскресное «Время».
 Информационно-аналитическая программа
 22.05 «Две звезды». Продолжение
 23.15 Премьера. Скарлетт Йоханссон в романтической комедии «Крутая компания»
 1.15 Итоги Берлинского кинофестиваля в программе Сергея Шолохова «Тихий дом»
 1.45 Фильм «Дух»
 3.40 Сериал «Путешествие жизни». Заключительная серия

5.50 Валерий Золотухин, Юрий Назаров и Владимир Гостюхин в детективе «Предварительное расследование». 1978г.
 7.30 «Сельский час».
 8.00 ВЕСТИ.
 8.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
 8.20 «Диалоги о животных».
 8.55 «Вся Россия».
 9.10 «Комната смека».
 10.05 «Сам себе режиссер».
 11.00 ВЕСТИ.
 11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
 11.50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
 12.20 «Сто к одному». Телеигра.
 13.15 «Парламентский час».
 14.00 ВЕСТИ.
 14.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
 14.30 «Фитиль №165». Сатирический тележурнал.
 15.15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
 15.55 «Честный детектив».
 16.25 Арнис Лицитис в фильме «Леший». 2006г.
 18.30 Биатлон. Чемпионат мира - 2008. Эстафета. Женщины. Прямая трансляция из Швеции.
 20.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
 21.05 «Специальный корреспондент»
 21.30 Арнис Лицитис в фильме «Леший-2». 2007г.
 23.50 МИРОВОЕ КИНО. Майкл Дуглас, Гвинет Пэлтроу, Вигго Мортенсен и Дэвид Суше в триллере «Идеальное убийство» (США).
 2.00 Джонни Депп и Пенелопу Крус в фильме «Кокаин» (США).
 4.20 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛНОЧНИКОВ. Комедийный телесериал «Война в доме» (США). 2005г.
 4.45 «ХА». Маленькие комедии.





AZIZ BOLAJONLARI!

Siz sevgan "G'UNCHA" jurnali 50 yoshga to'ldi. Shu yillar mobaynida u sizga sirdosh do'st, maslahatchi ustoz, donishmand ota, g'amxo'r ona bo'ldi. Uning rang-barang sahifalarini tomosha qilib, ko'nglingiz yayraganiga, topishmoqlari ustida bosh qotirib aqlingiz charxlanganiga ishonamiz. Sizga xizmat qilgan va qilayotgan tahririyat xodimlari, yozuvchi, shoir, shuningdek jaiji havaskor ijodkorlarning ham bugun ruhi baland. Siz uchun yana yangi rejalar, mavzular ustida hormay ishlab yurishibdi. Biz ulargada, sizlarga-da doimiy tetiklik, baxt-saodat, salomatlik va yo'lingiz hamisha charog'on bo'lishini tilab qolamiz.

Gazeta jamoasi.

Quyida "G'UNCHA" jurnali sahifalaridan namunalar o'qiydiz.

MARD BOLA

Qiyqirishar bolalar,
Avjida edi o'yin.
Birdan Nazira yig'lar,
Ahmadga bo'ldi qiyin.
Uning otgan koptogi,
Qizning boshiga tegdi,
Aybini tan oldi-yu,
Uzr, deb boshin egdi.
Mard bolaning ishini,
Qilgan edi Ahmadvoy.
Bo'lmasa gap chuvalar,
Bo'lardi holiga voy.

Nilufar YO'LCHIBOYEVA,
Toshkent viloyati,
Bo'ka tumani, Fuzuliy
ko'chasi, 39-uy.

QOFIYA O'YINI

— Suv, degin!
— Suv.
— Yuzni tez-tez yuv.
— Suv.
— Bola, degin!
— Bola.
— Qir chaman tola.
— Ekvuchi, degin!
— Ekvuchi.
— Opang usta tikuvchi.
— Choy, degin!
— Choy.
— Biz paxtaga boy.
— Zag'cha, degin!
— Zag'cha.
— Bizda bor bog'cha.

Olim MAHKAMOV
"G'uncha", 6-son, 1963 yil.

NON XAFA BO'LMASIN!

Zilolaning oyisi har kuni issiq non yopib, kulchalarni Zilolaga tutqazarkan. Zilola nonni hovlida yugurib yerkan. Non uvoqlari yerga to'kilarkan. Kulchalarni o'tirib,

uvoqlarini to'kmay yegin, bunaqada non bizdan xafa bo'lib qoladi, - der ekan onasi.

Zilola bu gaplarga e'tibor bermas ekan. Shunday kunlar kelibdi, ona betob bo'lib, non yopmay qo'yibdi. Zilola kulcha qidirib, qotgan non topibdi.

- Oyijon, non qotib qolibdi.
Onasi: - Qizginam, u sendan xafa bo'lib, shu ahvolga tushdi, - debdi.

Zilola nondan kechirim so'rabdi. Endi kulchalarni uvol qilmaslikka so'z beribdi.

Shundan beri onasi Zilolaga yana kulcha yopib berar, Zilola kulchalarni uvol qilmasdan yer ekan. Non ham xursand bo'lib yaltirab, yumshoqqina, bo'rsilmoq bo'lib turarkan.

Nozima ERGASHEVA



BOLAJON

Sen kulsang bolajon,
Olam kuladi.
Yig'lasang yuragim
G'amga to'ladi.
Ulg'ayib borasan,
Baxting kuladi,
Hayotim quvonchi,
O'zing, bolajon!
Farzandim, dilbandim,
Sen iftixorim,
Baxtimning mevasi,
Shakar-u bolim.
So'nmas quyoshimsan,
Nurli iqbolim,
Hayotim ko'zgusi,
Ko'zim, bolajon!
Umringda hech qachon
G'am ko'rmay deymen.
Qop-qora ko'zingda
Nam ko'rmay deymen.
Hayotda qoqilsang
Tog' bo'lay deymen,
Umrinning mazmuni,
Yuzim, bolajon!

Saodat TOJIYEVA,
Samarqand viloyati,
Kattaqo'rg'on tumanidagi
88-maktabning
boshlang'ich sinf
o'qituvchisi.

CHUMCHUQ OVI

Boshlang'ich maktabda, taxmian uchinchi sinfda o'qib yurgan paytlarim edi. Yakshanba kunlari dalaga chiqib, maza qilib o'ynab kelardik. Asosiy ermagimiz rogatka otish edi. Ana shunday kunlardan birida Burxon akam bilan o'ynab yurib, qush ovlashga jazm qildik. Rezinka rogatkaga mayda toshlardan qo'yib, qushlarni poylab otamiz, hecham tegmaydi. Bir payt qo'qqisdan ro'paradagi daraxtdan bir gala chumchuq «pir» etib osmonga ko'tarildi. Burxon akam darhol rogatkaga tosh joyladi-da, rezinkani cho'zib turib, bir otgan edi, bitta chumchuq «tap» etib yerga tushdi. Keyin chumchuq tushgan joyga yugurib bordik. Jon talvasada tipirchilab, to'lg'anib yotgan qushcham ko'rib, ikkovimiz bexosdan yig'lab yubordik. Chumchuq boyaqish uchay desa ucholmas, qochay desa qocholmasdi. Hali tirik edi. Bu dahshatli o'lim azobi bir-ikki daqiqa davom etgan bo'lishi mumkin, ammo mening nazarimda u cheksizday tuyulardi. Chumchuq yotgan joyida tipirchilagan sari biz battar ho'ngrab yig'lardik. Oxiri u qimirlamay qo'ydi. Qushchaning joni uzilgan bo'lsa ham, aka-uka

ikkovimiz hamon ho'ng-ho'ng yig'lardik. Men uning o'limiga sababchi bo'lgan rogatkani olib, uloqtirib yubordim. Burxon akam yerni timdalab, chumchuqqa go'r qazidi. Yig'li-sig'li bilan uni



ko'mdik. Shundan keyin ikkovimiz bir og'iz churq etmay, xo'rsina-xo'rsina uyga qaytdik. Ertasi kuni o'qituvchimiz erkin mavzuda insho yozishni buyurdi. Men o'zimga g'oyat ta'sir qilgan mana shu voqeani bayon qilib berdim. O'qituvchimiz inshoimni o'qib chiqqach, juda maqtadi. Xullas, mening umrimda birinchi marta yozgan asarim shu bo'ladi.

Turk tilidan MIAD HAKIMOV
tarjima qilgan.

QIZI BOR UY

Jajjigina Lobar ko'chadan to'g'ri katta oyisining oldiga keldi va so'radi:

— Oyijon, ostona degani nima?
— Ostonami? Nega bu so'z esingga kelib qoldi?

— O'rtog'imning buvisi «Qizi bor uy ostonasidan ma'lum», debdi.

— Ha, bunday degin. Ostona... Mana sen eshikni ochib uyga kirding, eshik tagi ostona bo'ladi. Demak sen ostonani bosib kirding yoki ostona xatlab kirding. Yoki...

Ko'chadan hovliga kirayotgan kishi darvozani ochib, ostona xatlab hovliga kiradi. Sen aytgan maqolda «ostona» sal boshqacharoq keladi. Unda nafaqat ostona, balki uning yon atroflari ham nazarga olingan. Xalq dono-da, ona qizim. Bu maqol orqali qiz bola yashagan xonadon doim ozoda bo'lishi lozimligi uqitirilgan. To'g'ri-da, qiz bolalar hammadan vaqtli turib, ko'chalarni

supurib-sidirib qo'yadi. Mana sen, ham jamalak sochli qizchasan, ammo kichkina paqirchangda suv sepasan, supurasan-sidirasan. O'rtog'laring-chi?

Xuddi shu payt Lobarni dugonalari chaqirib kelishdi. Lobar esa, oyisining ruxsati bilan ularni suhbatga aralashtirdi. Maxsuma xola qizchalarga ham o'sha mashhur maqolning mag'zini chaqib berdi.

— Qizlarim, hech qachon qiblag qarab hovli supurilmaydi. Buni bilib oling.

Aytsangiz, uyingizdagilar bozordan o'zingizga loyiq supurgi, hatto jajjigina hokandoz olib berishadi. Supurib bo'lgach, axatlarni olib tashlashga o'rganing. U to'planib tursa, xunuk ko'rinadi. Keyin darrov supurgini chayib, silkitib tashlang va joyiga oborib, yotqizib qo'ying. Bilasiz-a, supurgi va hokandoz ko'zdan sal narivoqda, chetiroq joyda turadi.

Ko'changizning ozodaligiga qarang. Ko'cha eshikni, uning

tutqichlarini artib turing. Hovlidagi deraza va eshiklar ham, qachon mening betimni yuvib, artib-surtib qo'yisharkin?

- deb qarab turishadi. Hamma narsa o'z joyida bo'lgani ma'qul. Bir xil xonadonlarda hovlidagi suv jumragi yonida idish tovoqlar yig'ilib qoladi. Bu eng yomon odat. Siz bunaqaga sira o'rganmang. Suv jumragi yonidagi asboblarni tozalab yuvib, o'z joyiga qo'yishga odatlaning. Deylik, hovlingizda taxta karavat yoki supa bor. Joylar solingan. Lekin ko'rpachalar notekis, yostiqlar ayqash-uyqash. Ularni chiroyli qilib to'g'rilab qo'ying.

- Aqlli va ziyrak bo'lsangiz, «Qizi bor uy ostonasidan ma'lum», degan maqol aynan sizga aytilganini bilib, olqishlar olasiz.

Yayra SA'DULLAYEVA





Салт-ат МАХМУДОВА

Санъат МАҲМУДОВА

...Муроджоннинг хотини туртинчи фарзанди - Мунисани дунёга келтираётган вақтида оламдан ўтган эди. Бирин-кетин туғилган фарзандлари анча ёш бўлгани туфайли Муроджоннинг қариндошлари тўпланишиб, эри билан ажрашиб кетган Хуринисога ўйлаб қўйишди.

Хуринисо дастлабки вақтларда болаларни бошида кўтаргудек бўлиб алқаб, эркалаб, суйиб юрди. "Шуларни пўпалаб катта қилсам, ажаб эмаски, Оллоҳ менга ҳам фарзанд ато этиб қолса", деган ният унга умид бахш этар-

тини пулларни нимага, қанча ишлатса-да, эри ортиқча ҳисоб-китоб қилмасди. Негаки, у ҳафталаб узоқларда юрганида ҳам болалари қаровсиз қолмаганидан, шу аёл уларни бошқариб ўтирганидан хурсанд эди. Шундай андишалар туфайли эри Хуринисога қаттиқ гапирмасди.

Афсуски, Муроджон кўп нарсалар беҳабар эди. Болалари ўғай онасининг қўлида азобланиб, очин-тўқин қолишиб, баъзан қаровсиз қолишгаётганидан хабарсиз эди. Отаси сафарга кетган пайтида пул тежаш учун аёл болаларни бир-икки кун-

табга бормай қўяқолинг. Фақат бир кун.

- Опажон, мени ҳам мактабингизга олиб кетинг. Бугунча, холос. Буюрган ҳамма ишларингизни қиламан, жон опа...

Мунисанинг бу ялинишларига эндигина 8, 10, 12 ёшни қаршилаган болалар унчалик аҳамият беришмасди. Бу ялинишлар замирида мурғак қалбнинг дил изтироблари, юрак олдириб қўқишлари, илтижолари борлигини улар қаердан тушунишсин? Опа-акалари ҳам уйдаги бақир-чақирлардан кўра мактаб тинч бўлгани учун ҳеч қачон уйда қолишмасди.

сикроқ чой дамлаб бер. Қорним ҳам очиб кетди, тушлик қилиб олай.

- Ҳозир, аяжон. Чой қайнапти. Шу вақт нимадир чирс этиб синди. Мунисанинг негадир овози чиқмай қолди.

Қўрқувдан қизчининг тили қотди. Саволига жавоб ололмаган ўғай она ғазаб билан уйга мўралади. Муниса эҳтиётсизлик туфайли термосни синдириб қўйган эди.

Аёл аҳволни кўрди-ю, тандир олдида турган косовни қўлига олди. Бу косовни 12 ёшли

Турмуш чорраҳаларида

Хуринисо норасида гўдакни шафқатсизларча дуч келган ерига ура кетди. Тинимсиз

тушган зарбларга қизча дош беролмади. Аксига олиб, қўни-қўшнилари ҳам унинг нолаларини эшитишмади.

Зарбаларга дош беролмаган Муниса шилқ этиб ерга йиқилди. Қизча ҳушидан кетган эди. Бундан кўрган ўғай она Мунисани ҳийла ишлатаётган, дея қўнглидан ўтказди. Қўзи қонга тўлган аёл "ҳийлагар"ни ҳушига келтириш учун "тузукроқ" уришни мўлжаллади. Аёл атрофдан қаттиқроқ темир арматура ёки қалинроқ сим қидира бошлади.

Шу вақт газ плитаси устида шарақлаб қайнаётган чойнакка қўзи тушди-ю, "ҳийла ишлатишни сенга бир ўргатиб қўйай" деди-да, у томонга шовди. Чойнакни олиб келди-да, қайноқ сувни бошидан оёғигача қуйиб чиқди. Шунда ҳам қизча мик этмади. Муниса нафас олмаётган эди. Унинг боши, бури ва қўлоқларидан қон оқаётганди. Деворларга сачраган қон дахшатли ва қўрқинчли ўлим топган қизнинг жони уни тарқ этганини айтиб нидо қилаётгандек эди...

Бу эртақдагидек воқеа эмас. Сиз ва биз яшаётган жамиятда баъзида бўлса-да, учраб турадиган салбий, мудҳиш воқеанинг бирини сиз муштариёларга баён этдик, холос. "Дунёдаги энг полвон инсон ким", деб сўраганларда саҳобаларимиздан бири шундай жавоб берган экан: "У ғазабни жунбушга келганида ўша ғазабни ичига юта оладиган одам - полвонларнинг полвонидир".

Хуринисо ғазабни жиловлалмай олмасди. Ўша қаҳр туфайли бир норасида гўдакнинг умри мунчоқдек узалиб кетди. Жони-жаҳони ҳар томонга мунчоқдек сочилиб кетди. Энди уни теришининг ҳам, улашининг ҳам иложиси йўқ. Бу - изтироб, бу - ўқинч, бу - армон. Шуларнинг барчаси одамларни ҳушёр бўлишга, бир-бирига лоқайд қарамасликка, бефарқ бўлмасликка қорлаши керак, деб ўйлайман.

Саида АҲМАДЖОНОВА

БУ ЭРТАК ЭМАС...

ди. Аввалги турмуш ўртоғи билан беш йил яшаб, фарзанд кўрмаган аёлнинг орзуси шу етимларнинг бошини силаб, Худонинг раҳми билан фарзандли бўлиш эди. Афсуски, докторларнинг барча таҳлилий текширишларидан кейин Хуринисо фарзанд кўрмаслигини билди. Шундан сўнг у бошқа аёлга айланди-қолди.

Хуринисо ҳар куни болаларга "ўтирсан ўпоқ, турсан сўпоқ" қабилида муомала қила бошлади. Бугун аламини улардан оларди. Гўёки унинг тумас бўлиб қолишига шу гўдаклар айбдордек, уларни таъқиб қилишдан чарчамасди. Энди унинг нияти тузукроқ пул топиб, ўзига алоҳида "дом" олиб чиқиб кетиш эди. Чунки эри яхши пул топади. Негаки, Муроджон катта юк машинасида узоқ шаҳарларга катнайди. Ишбилармон, топармон-тутармон.

"Қачонгача ўғай болаларнинг чўриси бўлиб ўтираман? Булар ҳеч қачон менга фарзанд бўлишолмайди", ўйларди у.

Муроджоннинг топганидан ташқари ўзи ҳам топишни ўйлаб уйи олдига кичкинагина дўконча қилиб олди. Ҳар куни тушуми бор. Аёли қанча пул топаётган, бунини нима-ларга сарфлаётган, бу билан Муроджоннинг иши йўқ. Ҳар сафар узоқ сафардан каттагина даромад топиб келган Муроджоннинг барча пуллари ҳам Хуринисода турарди. Хо-

лаб иссиқ овқатсиз кўяр, баъзан тузукроқ нон ҳам бермасди. Муроджоннинг қайтишига оз вақт қолганидагина уларнинг олдида овқатни келтирарди.

- Агар бирорталаринг отанга менинг урганимни, овқат бермаганимни айтсаларинг ҳаммангни ўлдираман. Отанг мана бунақанги сафарга кетган пайтида ўлдириб, кўмиб ташласам ким билиб ўтирибди? Йўқолиб қолди, десам ҳамма ишонади. Шунинг учун кўзларингни каттароқ очиш, - дея огоҳлантирарди.

...Ўша куни ҳам Муроджон болалари билан хайрлашиб, сафарга жўнаб кетди. Дониёр, Дилёр, Махфуза эрталабдан мактабга шошилишди. Фақатгина Муниса аяси билан уйда қолди. Қизалоқ ўғай онаси олдида бир ўзи қолишга юраги бетламас эди. Сабаби, аяси уни тинмай ишга буюрар, сал нотўғри ҳаракат қилса ёки оғирроқ ишларга кучи етмаса қойиб беради, йиғласа аямай урарди. Шунинг учун ҳам у калтаклардан безиллагани учун опа-акаларига алинарди.

- Ака, жон ака, бугун мак-



Дадаси кетган куни аяси билан қолган Мунисага ўғай она тинмай югуртирар, топшириқ устига топшириқ бераверарди.

- Муниса ўлгур, қаерга йўқолиб кетдинг? Нима бало, ўлиб қолдингми?

- Аяжон, ҳовлини супураяпман. Ўзингиз айтдингиз-ку.

- Ер юткур, супадек келади-ган жойни бир соатдан буён супураяпсанми? Тезроқ бўлақол, совқотиб кетдим. Термосга ис-

опасига тандирда ўт қўяётганида фойдаланиш учун Мунисанинг ўзи топиб берганди.

- Опажон, тандирга ўт ёққанда қўлларингиз қуйиб қолмасин, деб узун кўсов топиб келдим, - дея қувонганди ўшанда.

Ўғай онаси йўғонгина тол новдасидан тайёрланган бу косовни қўлига олганидаёқ Мунисанинг кўзлари косасидан чиққудек қўрқиб кетди.

- Жон аяжон, урманг. Ҳозирроқ қўшимиз Дилфуза опамникидаги термосни олиб чиқаман. Дадам келса, янгисини олиб беради. Урманг, аяжон, ўлдириб қўясиз.

- Термос сингунича сенинг оёқ-қўлларинг синса бўлмасдими, итдан таркаган! Яна

ўлдириб қўйишимни ҳам билди... Мана сенга идиш синдириш. Хушингн жойига келтириб қўймасамми?

Муниса бошига тушган биринчи зарбни ейиши билан овонининг борица қичқирди.

- Дилфуза опа, аям ураяпти, опа. Ким бор, ёрдам беринглари!

- Сенга ҳар доим "ёрдам беринг деб қийиллама", дейман-а. Яна шу гапни айтаяпсанми?

ЭССИЗ, УМР...

Яна ўша азоб - икки чаккаси ва бармоқ учларида бошланган симсим оғриқ бутун жисми жонини исканжага олди. Йўқ, бу бошланиши, ҳақиқий талваса ҳали олдинда. Мансурни айнан шу дахшатга соларди. Нима қилиб бўлмасин, тезда "дорин" топиш керак. Бошқа чидай олмайдди ахир! Кошқикиди уни биров тушуна, жонига оро кирса. Бу ҳовлида ёлғизгина кекса онаси қолди, у ҳам бўлса вайсашдан бошқа ярамайди.

Дарвоқе, бугун нечанича сана? Хаёлига келган фикрдан қўнгли ёришиб кетди: Хойнаҳой кампир "пенсия" сини олган! Эҳ, нодон, кеча оқ қанд шимиб ўтирганини кўриб ҳам фахрламабди-я. Ҳозир ҳумор ўтида ёниб-қулиб ўтирмаган бўларди.

Секун айвондан ўтиб, дахлизга мўралади. Онаси бир қават тўшқанда ёнбошлаб ётганча пинакча кетганди. Рўмол четларида оппоқ сочлари хийл тўзгичи, қоқсуяк юзларини ажин тўри қоплаган, алланечук қимтиниб, муштдеккича бўлиб ётган онаизор шу тобда қўзига балодек ёмон кўриниб кетди.

"Мен нима аҳволдаю, бунинг пишиллаб ўхшагани! - хаёлан гўжидан Мансур. - Майли, ноз уйдада ётиб турсинлар, қанд шимишни кўрсатиб қўяман ҳали!" Оёқ учиди юриб бориб, кампирнинг

бош томонига қўйилган мўъжазгина эски сандиқчани аста қўлига олди. Бу шум кампир сўнгги пайтлар пулни шу "тилла сандиқча" сида сақлайдиган қилиқ чиқарган. Қўлфлаб ҳам қўяди, камига. Уйғониб кетса борми, яна дийдўйсини бошлайдди. Ишдан ҳайдалганидан тортиб, хотини болаларини олиб кетиб қолганигача, ҳатто дадасининг вафотини ҳам унга тўнкашдан тоймай, жавраб кўз ёш қилишга тушади. Қанчалар жонига тегдия шу вайсаки кампир! Кўргани кўзи йўқ уни...

Туёқлар сотилганидан буён хувилаб ётган чалавайрон оғилхонанинг ортига ўтиб, сандиқни ерга қўйди. Энди унинг ҳаракатлари тезлашган, азбаройи титраганидан қўлидаги каттақон чағир тош ҳадеб тушиб кетарди. Бироқ сандиқчанинг михлари занглаган зулфи осонгина бузилди. Қоққоқни кўтарган замон Мансурнинг кўзлари чакнаб кетди, ҳатто қақшашлари ҳам бир зум чекингандек бўлди. Мана ўша таниш кўк чорси. Ие, бу ерда анча пул бор-ку?! Ҳа, ялмоғиз, Мансурга раво кўрмай, "ўлимтик" баҳона анча пул йиғиб қўйган экан-а. Ўх-х,

бир ойлик "укол" ларга етади бу! Бир ой жаннатда яшайди энди, бир ой! Ундан кейин бу дунёни сув босмайди...

Дарвозадан қўндек учиб чиқди. Энди тезроқ "наҳот қалъаси"га етиб олса бўлгани. ...Подъездга кириши билан димоғига зах хиди урилди. Нақадар қадрдон бўй, наҳот муждаси! Ана, иккинчи қават... учинчи... тўрт... Нима? Анови милисалар бу ерда... Шуриқнинг хонадонидан чиқашптимми? Овозлар... таниш. Мансур жон ҳолатда ўзини четга олди. Тамом!!!

Бошқа манзилдан дори топиб, овлоқ жойда "укол" қилгунича жони ҳалқумига роклатди. Сўнг, ниҳоят, бир неча лаҳзада ҳаётбахш ҳаракатлик уммонига ғарқ бўлди. Бу ерда ўтириш хавфли эканлигини ёдига солишган, қўна йўлкасига чиқиб боши оққан томонга тентираб кетди. Аъзои бадани дам олиб яйрар, фақат оёқлари ҳар доимидан ҳам қўпроқ ўзига бўйсунмасди. Кейин, боши сал оғирроқ. Қўнгли ҳам бироз беҳуш. Табба, унга нима бўляпти ўзи? Ахир ҳар сафар "жон озуги" ни олгач, қўшдек енгил тортарди-ку? Мансур рўпарасидан чиққан дарахтга

суяниб, ўзини сал ўнглаб, теварак-атрофини идрок этишга уринди. Намозшом қоронғуси гўё туман билан қоршиб кетгандай, бутун олам хира торганди. Қишлоқларнинг заиф нури алланечук хира ҳавога сувалиб келаётган машиналар эса ҳудди қоғоз кемачалар каби қалқиб, имиллаб оқиб келарди. Мансур балолигидега анҳорга оқизган оқ кемачалар... Нега энди улар шунча кўп?

Бунчалар ҳайқиримасми? Унинг тасаввурлари мумжал, аммо тобора ҳаво этишмаётганлигини аниқ ҳис қиларди. Эна ёрдам керак, ёрдам! Нега атрофда ҳеч ким йўқ? Анави шарпалар... Онаси кани, онажониси... Ахир доим аҳволи ёмонлашганда қўшида пайдо бўларди-ку? Унга ёмон укол қилишибди, онасига бунини айтиши керак. Ҳозир, уни топади. Онажонисини ўзи топади.

Туйқус тормор берган машиналарнинг ваҳимали қийиллаши ўтган-кетганининг эътиборини тортиди. Қимиллардир ёқа ушлади, юраги бақувватроқлар ўша томонга югурди. Йўл ўртасига мук тушган эркакнинг атрофи шитоб билан қизил рангга бўялар, ерда сочилиб ётган пуллар одамларнинг оёғи остида денсалиб, янчилар эди.

Гулчеҳра АСРОНОВА, Фаргона шаҳри.



ЭРКАКЛАР ХИЁНАТИ

Хотинингиз билан муносабатларингиз вақт сино-видан ўтган ва бир-бирларингизни яхши кўрасизлар. Аммо бир кун у сизни хиёнат устида қўлга туширади. Қандай эканлигининг аҳамияти йўқ: балки кўни-қўшни, таниш-билишлар хабар етказишгандир, телефонда гаплашаётганингизни эшитиб қолгандир, сизларни бирга кўргандир? Эндиги асосий вазифангиз, оилангиз бузилиб кетмаслиги учун ушбу ноқулай ва қийин вазиятдан чиқиб кетиш йўлини топишдан иборатдир.

Бор ҳақиқатни яширманг. Хотинингиз билан очикча гаплашиб олиш жуда муҳим. Агар у сизни хиёнат устида қўлга туширган бўлса-ю, буни рад этишининг иложини тополмасангиз, ёлгон-яшиқ гаплар билан вазиятни янада чигаллаштирманг. ҳуқуқшунослик амалиётидан маълумки, айбон чин дилдан бўйинга олиш жазони енгиллатишга олиб келади. Демак, айбонгизга тўла иқдор бўлсангиз, аёлингизнинг кўнгли юмшаши ҳеч гап эмас.

Ундан кечирим сўранг. Гарчи сиз бегона аёл билан вақтингизни хушчақчақ ва ёқимли ўтказган бўлсангиз-да, ўз хатти-ҳаракатларингиз билан хотинингизга бу қилмишингиздан, унинг дилини огритганингиздан афсусда эканлигингизни билдириб қўйинг. Бегона аёл билан муносабатларингизга чек қўйишга ваъда беринг, мана шу аҳмоқона хатони деб оилангизни йўқотишни истамаслигингизга, аслида фақат уни севишингизга ишонтинг.

У билан дилдан ва очикчасига гаплашиб олинг. Мабодо, турмуш ўртоғингиз ҳамма гапни очикчасига айтиб беришингизни истаса, ортиқча таранг қилмасдан, ёлгон-яшиқ қўшмасдан бор гапни айтиб берганингиз маъқул. Чунки у сиз яширган айрим нарсалар ҳақида кейинчалик бошқа бировлардан эшитса, муносабатларингиз тузатиб бўлмайдиган даражада дарз кетиши мумкин. Сўзларингизни тинглаган, у бақириб-чақиршиб, сизга захрини сочиши, шаънингизга дунёдаги бор ёмон сўзларни қалаштириб

ташлаши тайин. Уни жимгина тингланг ва нима деса ҳам эътироз билдирга кўрманг. Чунки унинг шу аҳволга тушишида сиз айбдорсиз.

Муаммоларни аниқлаб олинг. Сизни нима четдан кўнгилхушлик излашга мажбур қилганини аниқлаштириб олинг. Оилавий муносабатларингизни ипидан игнасиғача таҳлил қилиб чиқинг — нимадир сизлар хоҳлагандек бўлмаётганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Айрим эркаклар хотини билан муносабатлари ўзининг ҳиссий эҳтиёжларини тўла қондира олмагани учун хиёнат кўчасига киришади. Мабодо, хотинингиз хиёнатингизга нима сабаб бўлганини билиш учун сизни қийин-қистовга олиб, савол-сўроққа тутса, унга бор гапни ётиги билан тушунтиринг.

Жавоб беришга тайёр туринг. Рус халқ мақолида айтилганидек: "Чанада учишни ёқтирган уни судраб юришни ҳам уддалаши керак". Бошқача айтганда, кўра-била туриб хиёнат кўчасига кирдингизми, энди бу хатти-ҳаракатингиз учун оилангиз олдида жавоб беришга ҳам тайёр туринг.

Танаффус қилинг. Сизга ҳам хотинингизга ҳам бошларингизга тушган ҳиссий стрессдан кутулиш учун вақт керак. Шунинг учун баъзи пайтларда муносабатларни ойдинлаштириб олишни кейинроққа — хотинингиз сал ўзига келиб олгунча орқага суриб турган ҳам маъқул. Чунки аччиқ ва алам устида тўғри қарорга келишдан кўра келишолмасдан ҳамма нарсани барбод қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

ЭРКАК ВА АЁЛ:



СИР-АСРОРЛАР

Ишончни тиклашга ҳаракат қилинг. Босқичма-босқич яқинлашиш йўлини тутинг. Зеро, хиёнатингиздан кейин хотинингиз билан муносабатларингиз ўта таранглашиши табиий. Аммо аста-секин уларни тиклашга ҳаракат қилиб бормасангиз ҳам бўлмайди. Умуман гаплашмай қўйсаларингиз, хотинингизнинг сизга бўлган ишончини, демакки муносабатларингизни тиклай олмайсиз.

Психолог маслаҳатини олинг. Мабодо шундай имкониятингиз бўлса, психолог маслаҳатини олганингиз ҳам маъқул. У сизларга муносабатларни сақлаб қолиш ва қайта тиклаш борасида амалий маслаҳатлар беради.

Муносабатларнинг асосий қоидаларини белгилаб олинг. Келгусида ўзларингизни бошқаришларингиз осон бўлиши учун хотинингиз билан бирга муносабатларингизни тартибга солиб турувчи "Муносабатлар кодекси"ни тузиб чиқинг. Қўп ҳолларда хиёнат томонлари янада яқинлаштиради, шунинг оқибатида бошдан кечирилган оғир кунлар эса муносабатларга ижобий таъсир кўрсатади.

Аммо ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Агар турмуш ўртоғингиз хиёнатингизни кечиролмаса ҳамда сизнинг ва барча яқинларингизнинг уринишларига қарамай ажралишга қатъий қарор қилса, шунга қўнишдан бошқа иложингиз қолмаслиги мумкин. Хиёнат кўчасига киришдан олдин бир кун келиб оилавий ҳаётингиз шундай интиҳо топиши мумкинлигига ҳам тайёр туринг.

АЁЛЛАР ХИЁНАТИ

Эркаклар хиёнатининг сабаблари ҳақида жуда кўп гапирилган ва мақолалар чоп этилган. Буларга яна ниманидир қўшимча қилиш ортиқчадек гўё. Лекин аёлларни хиёнатга нима мажбур этади? Бунинг сабаб ва илдиэлари нимада? Куйида шу саволларга жавоб излаб кўраимиз.

Ўттиз ёшлилар кўпроқ хиёнатга мойил бўлишади

Қадим замонлардан бери аёлларнинг эрига хиёнатига, зино кўчасига киришига эркакларнинг худди шундай ҳаракатига нисбатан бошқачароқ муносабатда бўлиб келинади. Бундай аёлларга атрофдагиларнинг, жамоатчиликнинг муносабати, юмшоқроқ қилиб айтганда, кескин бўлади. Агар насроний дини кенг тарқалган мамлакатларда уларни бир умрга монастирға сургун қилишган, юзига қорақуя суртиб ҳалойиқ ўртасида сазойи этишган, юзига унинг зинокорлигини билдириб турадиган тамга босишган, қамокқа ташлашган бўлишса, ислом дунёсида бундай аёллар кўп ҳолларда тобшорун қилинган. Аммо шунга қарамай, аёлларнинг "чапга юриши" камаяётир, деб бўлмайди. Агар XIX аср ўрталарида ғарбда оилали аёлларнинг тахминан 26 фоизи эрига хиёнат қилган бўлса, мутахассис-

ларнинг фикрича, XXI аср ўрталарига бориб улар сони 60 фоиздан ортиб кетиши мумкин экан. Бу ҳам ғарбона ахлоқнинг бир кўриниши бўлса, ажаб эмас. Маълум бўлишича, одатда, 30 ёшлар атрофида бўлган аёллар кўпроқ эрига хиёнат қилишаркан. Улар орасида биринчиликти иқтисодий жиҳатдан эрига қарам бўлмаган, яъни ўзини ўзи таъминлай оладиган аёллар эгаллайди. Уй бекалари орасида эса хиёнаткор аёллар жуда кам учраши маълум бўлди.

Нега, қачон ва қаерда?

Тадқиқотчилар илгари эрига вафодор бўлган аёлларни хиёнатга етаклайдиган тўртта асосий сабабни ажратиб кўрсатишди: **биринчидан**, эр кам пул топади ва оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилаш тўғрисида умуман бош қотирмайди; **иккинчидан**, эр билан хотин ўртасидаги маънавий яқинлик йўқолган, дилтортар гурунглари йўқ, эрининг бутун бўш вақти

телевизор қаршида ўтади; **учинчидан**, эри хиёнат қилгани учун аёлда ҳам худди шу йўл билан ундан ўч олиш истаси пайдо бўлади; **тўртинчидан**, хизмат пиллапоояларидан юқори лавозимга кўтарилиш истигаида ёки ишдан ҳайдалишдан кўркиб раҳбари билан яқин муносабатда бўлиш.

Амалиётдан маълумки, хиёнат учун вақт ҳам, жой ҳам албатта топилади. Кечкурун ва тунда уйда бўлиш учун оилали аёллар бегона эркак билан учрашишга эр ишда ёки хизмат сифарида, болалар эса боғчада ва мактабда бўладиган кундузги вақтларни танлашади.

Хиёнатга дуч келган эрларнинг аҳволи

Аёллар эрларининг хиёнатини боис қанчалик дард чексалар, эрлар ҳам хотинининг хиёнатидан хабар топган, бундан кам бўлмаган даражада стрессни бошдан кечирадилар. Одатда бундай эркаклар биринчи галда иккита саволга жавоб олишга интилишади: биринчиси — "У ким?"; иккинчиси — "Хотинимга унинг нимаси ёқиб қолди?" Агар хотинининг хуштори жинсий муносабатлар борасида ўзидан яхшироқ эканлиги ёки мавқеи, лавозими, топиш-тутиши



муш ўртоғи билан ўрталарида аввалги муҳаббат ва яқинлик йўқолганлигини ҳис этишганда ва қалбларида янги кучли туйғу пайдо бўлганда шу йўлни танлашади.

Хиёнатнинг оқибатлари

Сабаблари қандай бўлишидан қатъий назар, эркаклардан фарқи равишда, аёллар хиёнат кўчасига киришдан олдин унинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида обдон ўйлаб олишади, бунинг "плюс" ва "минус" томонларини тарозига солиб қўришади. Чунки хиёнатлари боис нафақат ўзининг, балки эрининг, фарзандларининг, яқин қариндошларнинг ҳам ҳаёти издан чиқиб кетиши, йиллар давомида мисқолаб тўлаган обу-этиборларига жиддий пуғтур етиши ҳеч гап эмас. Айниқса, бу нарсас фарзандлар тақдирда жиддий салбий из қолдириши мумкин. Чунки сир эмаски, уларга тенгдошларининг, дўст-дўгоналарининг, қўни-қўшни ва маҳаллақўйнинг муносабати дарҳол ўзгаради. Айниқса, фарзандлари балоғатга етиб уйланадиган, турмушга чиқадиган бўлганда "бир вақтлар буларнинг онаси фахш йўлга кириб кетган", деган гап-сўзлар уларнинг бахтли келажақ ҳақидаги орзу-умидларини чилпарчин қилиши мумкин.

ДАРМОН тайёрлади.

ДАВАЛАНГА
ДАВО ТОПАДИМ

ДАВАЛАНГА
ДАВО ТОПАДИМ

ДАВАЛАНГА
ДАВО ТОПАДИМ

ДАВАЛАНГА
ДАВО ТОПАДИМ

ШОЛҒОМНИНГ КУВВАТИ

Армия хизматидан кейинги даврим эди. Ота-онам эса нукул мени уйлантириш ҳақида гапиришиб, сира ўз ҳолимга қўйишмасди. Мен эса... Ўзимда уйланишга сира мойиллик сезмасдим. Хатто (очиғини айтавераман) эркаклик ҳиссиётларим, эхтиросларим ҳам йўқ эди.

Орадан анча вақт ўтди. Тенгқурларим уйланишиб, фарзандлик ҳам бўлишди. Мен эса уйланиш ҳақида гап очилса, ўзимни қаерга қўйишни билмай қолардим.

Очиғини айтсам, «жинсий ожиз бўлсам керак», - дея, ўзимдан ҳам шубҳалана бошлагандим. Лекин, ота-онамининг тинимсиз қисташлари жонимга теккани учун, минг изтироб билан бу ҳақда бобомга айтиб бердим. У эса кулиб юборди. Бобомнинг тавсиясига кўра, бир стакан шолғом шарбатини бир стакан қуюқ вино (кагор) билан аралаштириб, ҳар кuni 25-30 граммдан ича бошладим. Ҳозир ёшим 70 дан ошди. Ҳозиргача йигитлардек бақувватман, эркаклик қувватим ҳанузгача жойида. Баъзан жинсий ожизлиги туфайли тушунлиққа тушиб қолган йигитлар ҳақида ҳам эшитаман. Ушбу оддий, арзон ва халқона усул баъзи эркаклар учун асқотиб қолар, деб ўйлаб сизларга ёзиб юборишни маъқул кўрдим.

Б.АЛИХУЖАЕВ,
Чирчиқ шаҳри.

ГРИППГА ЧАЛИНМАЙСИЗ

Апрел ойида ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқиб юрган пайтларим кўп танишлар орттирдим. Қизилтепалик Нилуфар исмли аёл менга табобат илмига қизиқишимдан хабар топиб, шундай маслаҳат берди:

- Мен, эрим ва икки болам ҳар йили гриппга чалиниб, роса ҳолдан тоярдик. Қишлоғимизга татар кампир кўчиб келди ва гиёҳлар билан одамларни даволай бошлади. У менга гриппдан сақланиш йўлини ўргатди. Оиламиз билан ҳар йили шу усулни қўллаймиз. 3-4 йилдирки, болаларим ҳам, эрим ва ўзим ҳам ҳали бирор марта гриппга чалинмадик.

Бир килограмм лимон иссиқ сувда ювилиб, бўлақларга бўлинади. Данаги олиб ташланади. Пўсти билан бирга гўшт қиймалагичдан

ўтказилади. Устидан 2 килограмм шакар солиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр аралашмани идишга солиб, сув қайнаб турган идишга (масалан, кичик кастрюлька) солиб қайнатилади.

Қайнаб турган сув кастриюлкани қиздиради ва ўз навбатида аралашма асал ҳолатига келгунча аралаштирилади. Аралашма суюлиб асал ҳолатига келгач, (шакарнинг дурдаси қолмаслиги керак) 3 литрлик банкага солиб оғзи елим қопқоқ билан ёпиб қўйилади. Ҳар кuni 3 маҳал овқатдан олдин 1 ош қошиқдан қайнаган сувга солиб, аралаштириб, 1 пиёладан ичилади.

Замира БОЗОРОВА,
Навоий вилояти,
Навбахор тумани,
“Истиқлол” саноати касб-хунаро коллежи ўқитувчиси.

ҲИКИЧОҚНИ ТЕЗ ТЎХТАТИШ

Ҳикичоқ арзимаган нарсасдек туюлса-да, кўпчилик орасида кишини жуда ноқулай аҳволга солиб қўяди. Уни тўхтатишнинг оддий ва халқона, аммо, ёқимсиз бир усули бор.

Куруқ хантални (горчица) бир ош қошиқ сирка билан аралаштириб, тилнинг учдан бир қисмига сурилади. Тилнинг ачишига бир-икки лаҳза чидаб туриш керак. Шундан кейин оғзингизни илқ сув билан чайиб ташлайсиз. Хантал ўрнига қирғичдан чиқарилган саримсоқпиездан ишлатса ҳам бўлади.

Бу усул ҳикичоқни бир зумдаёқ тўхтатади. Аммо, баъзан ҳикичоқ узоқ вақт давом этиши ҳам мумкин. Бу вақтда елкага горчичник қўйилади.

М.УМИРОВА,
Тошкент шаҳри.

МОМАТАЛОҚНИ ДАВОЛАШ

Мен шошилиб иш қилганим учун баъзан юзим ёки кўзимни, у ер бу ерга уриб олсам, кўкариб қолмаслиги учун мана бундай муолажани қўлайман. Яъни, хом картошкани олиб иккига бўламан-да, дарров ўша жойга босаман. Бироздан кейин эса бирор ўсимлик ёғидан суриб, уқалайман.

Шунингдек, хом картошкани қирғичдан чиқариб, бўтқа тайёрлайман-да, унга бир чимдим ичимлик содаси қўшаман. Сўнг, яхшилаб аралаштириб моматалоқ бўлган жойга босаман. У қанча кўп турса шунча кўп сўрилиб, моматалоқни қайтаради.

С.АЛИШЕРОВА,
Бухоро вилояти.

ШИРИН МУОЛАЖА

Кўпчилик, ўзи билмаган ҳолда қабзиятдан азият чекади. Баъзан бу жиддий муаммолар ҳам келтириб чиқаради.

Ҳар кuni нонуштада истеъмол қилинадиган қуйидаги мана бу таом тўқ тутибгина қолмасдан, балки ичаклар фаолиятини ҳам яхшилайдиган.

300 грамм олхўри, 300 грамм туршакни

(данакларини ажратиб), 300 грамм анжир билан гўштқиймалагичдан чиқарилиб ярим

стакан асални яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани шарчалар шаклида думалоклашиб, музлаттичга қўйиб қўйилади. Нонуштада улардан бир ёки икки донасини еб олсангиз, ҳам кун бўйи тетик юрасиз, ҳам қабзиятдан қутуласиз.

Ч. ҒАНИЕВА, Андижон шаҳри.

БРОНХИТГА ҚАРШИ... ВИНО

Ўпкам шомоллаганида махсус тайёрланган вино ичиб тезда тузалиб кетдим. Айтишларича, бундай



усул билан қадимдан даволалиб келишган экан. Бунинг учун яхши вино ва махсус тайёрланган алоз барглари керак бўлади. Яъни, алознинг барглари у суғорилгач беш кундан кейингина кесиб олиниши керак.

Алознинг 4 дона йирик пастки барглари кесиб олинади-да, майдалаб кесилади. Сўнг устига ярим стакан узум виносини қўйилиб, 7 кун сақланади. Уни сузгичдан ўтказиш шарт эмас. Тайёр бўлган аралашма ҳар кuni уч маҳал, бир ош қошиқдан то тамом бўлгунча ичилади.

Агар йўтал бутунлай ўтиб кетмаса муолажани яна қайтариш мумкин. Ушбу аралашмани ярим стакан асал қўшиб тайёрласа ҳам бўлади.

С.БОБОВЕВ, Жиззах вилояти, Зомин тумани.

ҚОН БОСИМИДАН АЗИЯТ ЧЕККАНДА...

Қон босимим ошиб кетганлиги боис йиллар давомида дори ичишга мажбур бўлардим. Кейинги икки йил давомида эса қон босимимни табиий махсулотлар билан ўзим даволайдиган бўлдим. Лавлаги шарбатини тенг миқдордаги асал билан аралаштириб бир кунда уч маҳал, уч қошиқдан истеъмол қиламан. Бундан ташқари сабзи шарбатини кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичаман.

Шунингдек, саримсоқпиезнинг 20

бўлақчаси, 5 бош пиёз, уруғсиз, пўстидан ажратилган 5 дона лимонни 1 кг. шакар билан аралаштириб, устига 2 литр қайнатиб совутилган сув қўйиб қўяман. 10 кун давомида қоронғу жойда сақлаб, ҳар замонда чайқатиб қўяман. Қўлбола усулда тайёрланган ушбу дорини ҳар кuni уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб юраман. Қон босимим эса умуман безовта қилмайди.

Т. КОМИЛОВ
Хоразм вилояти, Питнак шаҳри.

ЧЕХРА ЧИРОЙИ УЧУН

Кўзларнинг остида пайдо бўладиган халталарни ўзим синанган икки усул билан даволайман. Дорихонадан қирқбўғим ўтидан олиб 2-3 ҳафта давомида шундай дори тайёрлашни ўрганиб олдим. 4 ош қошиқ қирқбўғим ўти устига 2 стакан қайноқ сув қуяман-да, бир соатдан кейин сузиб олиб, кун давомида майда қултум билан ичиб юраман.

Шу билан бир вақтда кечқурун кўзнинг остига чойнинг шамасини дока билан 20-25 дақиқа қўйсангиз ҳам, яхши фойда беради.

Юз терим жуда ёғли бўлгани сабабли ҳамиша ула сепиб юрсам-да, бурним ялтираб тураверади. Кунгабоқар мойи ва туҳумдан ниқоб тайёрлаб, сура бошлаганимдан кейин теримдаги ёғлиниш камайиб, ялтирмайдиган бўлди.

Бу ниқоб шундай тайёрланади: юзни тозалаб артиб олиб, юпка қилиб кунгабоқар мойи, сўнг кўпиртирилган туҳум сурилади. Ушбу ниқобни 20 дақиқадан кейин совуқ сув билан юйиб ташланади.

К. ИСОМОВА,
Олмалик шаҳри.

ИЧИМЛИК СОДАСИ

Ичимлик содаси билан жигилдон қайнашини йўқотишни, ёғли идиш-товолларни ярақлатиб ювишни кўпчилик билади. Таркибида ишқор бўлган бу оппоқ кукуннинг бошқа фазилатлари ҳам бор. У уй дорихонаси ўрнини ҳам босиши мумкин.

→ Шомоллаганда: чойнакка 1 стакан сув қўйиб, 1 чой қошиқ ичимлик содаси солинади. Сув қайнаб чиққач чойнак жўмрагига оқ қоғоздан трубага (газета) ёки журналнинг варағи тўғри келмайди) ясаб, то балғам кўчгунча 10-15

дақиқа оғзингиз билан бугдан нафас олинг.

→ Каттиқ балғамни кўчириш учун кунига икки маҳал ярим чой қошиқ ичимлик содаси ва бир чимдим туз солинган илиқ сувдан 0, 5 стакан ичинг. Тиббиётда ичимлик содаси-



нинг 0,5-2 фоизли аралашмаси яраларни ювишда, ринитда, стоматит, ларингит ва конъюнктивитни даволашда ишлатилади.

Фойдали маслаҳатлар

→ Оғиз ярасининг шиллик қаватини қатронлаш учун овқатдан кейин 85 грамм сода ва 85 грамм туз қўшилган сувда чайиш тавсия этилади.

Бош оғриғига кўпинча ошқозондаги кислоталилик бузилиши сабаб бўлади. Шундай пайтда 1 стакан сутта 2 чимдим сода солиб ичилса фойда беради. Бундай аралашма ошқозондаги кислоталикни меъёрлаштиради.

→ Мигрендан қутулиш учун ҳар кuni қайнатилган сув билан сода ичиш тавсия этилади. Биринчи кун тушиқдан ярим соат олдин ярим чой қошиқ сода қўшилган 1 стакан қайнатилган сув ичилади. Иккинчи кун 2 стакан, бу миқдорни 4 стаканга етгунча давом эттирилади. Сўнг яна 1 стакандан камайитиб борилади. Ушбу муолажадан сўнг мигрендан бутунлай фориг бўласиз.

ДИЛБАР ВА БАСИРА
тайёрлашди.



727 Дугонамнинг 24 ёшли қизи бор. Ҳали турмушга чиқмаган. Олий маълумотли, одобли, чиройли, келишган, яхши жойда ишлайди. Зиёли оиланинг фарзанди. 30 ёшгача бўлган, уйланмаган, одоб-ахлоқли, жиддий, уй-жойли, ўқимишли, Тошкент шаҳрида яшайдиган йигит бўлса қизимизни узатган бўлардик. Манзилмиз тахририятда.

Азиза

728 Ёшим 38 да. Ажрашганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Ишлайман. Зарарли одатларим йўқ. Оилани моддий таъминлай оламан. Бахтли бўлишни истайман. 30 ёшгача бўлган, тошкентлик, ораста, оқ кўнгил, меҳрибон бир аёл бўлса турмуш қуриб, яшаган бўлардик. Манзилмиз тахририятда.

Тўлқин

729 48 ёшли укам бор. Келинимиз тўсатдан вафот этиб, уч боласи билан ёлғиз қолди. Унинг ўз уй-жойи бор. Оиласини моддий томондан бекаму кўст таъминлай олади. Укамнинг бўйи баланд, келишган, жиддий ва самимий инсон. 45 ёшгача бўлган, унинг она меҳрига зор фарзандларига оналик меҳрини бера оладиган, меҳрибон ва оққўнгил, тошкентлик аёл бўлса укамни уйлантириш ниятида эдик. Манзилмиз тахририятда.

Нодира опа

730 Ёшим 31 да. Турмушга чиқмаганман. Асли хоразмлик бўлсам ҳам ҳозир Тошкент шаҳрида яшаб, нуфузли ташкилотларнинг биринида ишлайман. Келишган, хушрўй қизман. Саранжом-сарихталликни ёқтираман. Қаердан бўлса ҳам Тошкент шаҳрида ўзининг уйи бўлган, жиддий, оиласини қадрлай оладиган, 40 ёшгача бўлган эркак билан танишиб оила қурмоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Махфуза

731 Ёшим 38 да. Асли самарқандликман. Турмушга чиқмаганман. Нуфузли ташкилотда ишлайман. Келишган, ақли-хушли ва одобли қизман. Яхши оиланинг фарзандиман. 45 ёшгача бўлган, қаерлик бўлса ҳам Тошкентда ўзининг уй-жойи бўлган, диёнатли ва меҳр-оқибатли эркак билан танишиб турмушга чиқмоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Хилола

732 Ёшим 72 да. Тошкентликман. Аёлим вафот этган. Ўз уйимда ёлғиз яшайман. Миллатим ўзбек. Олий маълумотлиман. 60 ёшгача бўлган, ораста, оқила, Тошкент шаҳрида яшайдиган, ёлғиз аёл бўлса уйланиш ниятидаман. Манзилмиз тахририятда.

Арслон ота

733 Асли тошкентликмиз. 31 ёшли жияним бор. Унинг маълумоти олий. Яхши жойда ишлайди. Ота-онаси билан яшайди. Жиянимнинг ўз уй-жойи ҳам бор. Уй-рўзгор ишларини ўрнига қўяди. Турли пишириқлар пиширади, тикишни билади. Озодаликни ёқтиради. 38 ёшгача бўлган, олий маълумотли, давлат ишида ишлайдиган, тошкентда ўз уйи бўлган самарқандлик ёки Тошкентлик йигит овоз берса жиянимга қувв қилган бўлардик. Манзилмиз тахририятда.

Зумрад

734 Ёшим 32 да. Асли тошкентликман. Жиддий сабаб билан ажрашганман. Тагли-тахтли оиланинг фарзандиман. 40 ёшгача бўлган, тошкентлик, ўзининг уй-жойи бўлган, ишлайдиган, оилани моддий таъминлашга қурби етадиган, олижаноб, уйим-жойим дейдиган, аёлини қадрига етадиган эркакка турмушга чиқмоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Гулчеҳра

735 Ёшим 42 да. Тошкентликман. Турмуш ўртоғим вафот этган. Бир ўғлим бор. Келишган, кўркем ва таъминланган аёлман. 50 ёшгача бўлган, уй-жойли, рўзгорини таъминлай оладиган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида яшайдиган эркак билан танишиб, оила қурмоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Раъно

736 Ёшим 36 да. Асли тошкентликман. Тақдир экан, оилам билан ажрашганман. Ўзимнинг уй-жойим бор. Ишлайман. Оилани таъминлай оламан. 36 ёшгача бўлган, оддий оилада ўсган, турмушга чиқмаган қиз ёки ажрашган аёлга уйланоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Миркамол

737 Ёшим 31 да. Ажрашганман. Тошкент шаҳридаги ховлимизда отам иккимиз яшаймиз. Имон-этиқодли инсонман. Намозхонман. 25 ёшгача бўлган, оқила, камтар ва исломий бўлган қизга уйланиш ниятидаман. Манзилмиз тахририятда.

Илҳом

738 Ёшим 30 да. Асли Хоразмликман. Ажрашганман. Лекин фарзандимиз йўқ. Ҳайдовчи бўлиб ишлайман. 27 ёшгача бўлган, қаердан бўлишининг фарқи йўқ, уй-жойли, меҳрибон ва самимий, уйим-жойим дейдиган аёл билан танишиб оила қурмоқчиман. Манзилмиз тахририятда.

Матчон

739 Ёшим 63 да. Самарқандликман. Аёлим вафот этган. Олти нафар фарзандларим уй-жойлик бўлиб кетишган. Ўз уйлари бор. Пенсиядаман. Ёлғизман. Моддий таъминланганман. 60 ёшгача бўлган, қаердан бўлса ҳам майли, иймон-этиқодли аёл билан тақдирини боғламоқчи эдим. Манзилмиз тахририятда.

Тўйчи ота

740 Асли тошкентликмиз. 30 ёшли ўғлим бор. Унинг қўзлари кўрмайди. Лекин ўзи соғлом. Бармоқлари ёрдамда нарсалар тўқийди. Пенсия олади. Биз билан бирга яшайди. 30 ёшгача бўлган оёғи ёки қўлларидан нуқсонни бўлса-да, қўзлари кўрадиган қизини олиб бermoқчимиз. Манзилмиз тахририятда.

Муфаззал опа

СИЗГА БАХТ ТИЛАЙМИЗ!

- Исмим Мунис. Ёшим 28 да. Зангиотадан келдим. Ота-онам орзу-хаваслар билан узатишганди. Жуда бахтли ҳаёт кечириётгандик. Мен каттагина ховлимизда қайнона-қайнонамнинг хизматини қилардим. Эрим эса ишга кетар, айтганимни муҳайё қиладиган мард эркак эди. Лекин бахтимнинг умри қисқа экан... -

- Ажрашиб кетдингларми?

- Қани энди шундай бўлса? Болаларимнинг отаси тирик юрса бўлгани эди... Афсус... Эрим "Нексия"сида киракашлик қиларди. Топпиш ёмон эмасди. Ўғлим туғилганда жуда ҳам хурсанд бўлганди. Бироқ у ўғлининг "дада" деган сўзини эшита олмади. Ўғлим олти ойлик бўлганида у автохалокатга учраб, оламдан кўз юмди.

- Жуда ёмон бўлибди-да...

- Йўқ, бу ҳам ҳали ҳолва экан. Эримнинг йилини ўтказганимиздан кейин қайноналаримнинг қистови билан қайнонам болаларим билан мени уй-

идан ҳайдади...

- Бундай қилишга бирор сабаб борми?

- Аслида қайнонам мен билан яшашга рози эди. Болаларимни яхши кўрарди. Қизлари қайнонамга: "Бун тизроқ уйдан ҳайдаб юборинг. У ҳали ёш, чиройли. Эртага бирортасига тегиб олса-чи? Унда уйдан қуруқ қоласиз", - деб кўрқитишди. Хуллас, маърақадан сўнг болаларимни бағримга босиб чиқиб кетдим. Ҳозир ижарада яшайман. Ўғлим ҳозир бир ярим ёшга тўлди. Қизим эса саккизга тўлди.

- Энди нима қилмоқчисиз?

- Қўлимда озрок сармом бор. Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. Лекин имкон бўлса оила қурмоқчиман. 40 ёшлардаги, қаердан бўлса ҳам Тошкент шаҳрида уй-жойи бўлган, диёнатли, болаларимга оталик меҳрини бера оладиган меҳрибон бир эркак билан танишиб, турмушга чиқмоқчиман.

- Ёшим 69 да. Асли тошкентликман. Исмим Раҳимжон ота. Аёлим икки йил бурун қазо қилган. Жуда оқила, меҳрибон аёл эди. Қадри шунчалик билинаптики... Баъзан эсласам қўзларимга ёш ҳам келади.

- Фарзандларингиз бордир?

- Худога шукр. Иккита қизим бор. Тиниб-тиниб кетишган. Бир ҳафта униси, кейинги ҳафта буниси келиб уйларимни йиғиштириб, тозалашиб, қиларимни ювиб кетишади. Ўзим овқат пиширишга устаман. Лекин қизларим билан бирпас чақ-чақлашиб овқатланиб ўтиришга зорман.

- Нега, улар сиз билан ўтириш-

- Мен тошкентлик Раҳима опа бўлман. 29 ёшли жиянимнинг дардида келдим-да, бу даргоҳларга. Қиз бола жуда чиройли бўлса ҳам бўлмас экан. Жияним Динара кўзга яқин эди. У институтда аъло ўқиди. Талабалик чоғидаёқ кўп совчилар келишиб,

эшикларининг турмини бузишарди. Ота-онаси эса Динарани сира турмушга чиқишга қўндира олишмасди. Оқибатда...

- Нима бўлди?

- Э, нима бўларди дейсиз? Мана, охир-оқибат ранжитилган йигитларнинг уволи тутди. Вақти келиб совчиларнинг ҳам оёғи узилди. Динара эса ўз гўзаллигига маҳлиё бўлиб, нуфузли жойда ишлаётганидан мағрурланиб юраверди. Энди эса ёши 31 га чиқди. Қўлдан пишириқлар пишириш, турли таомлар тайёрлаш келади. Орас-

талиқни ёқтиради. Уйларни ярақлатиб қўяди. Лекин... Ҳали тенгини топгани йўқ. Ота-онаси кўни-қўшнларнинг тўйига киришга ҳам истиҳоло қиладиган бўлиб қолишди.

743 Нима бўлганда ҳам ўқиганми, ўқимаганми, гўзалми, хунукми ҳар бир қиз вақтида турмуш қуриб, тиниб-тиниб кетсин экан. Шу жияним ҳам турмушга чиқса бир тоғдан ошган бўлардик. 36 ёшгача бўлган, уйланмаган ёки аёли вафот этган бир эркак бўлса уни узатган бўлардик.

Қаҳрамонларимиз дилидаги орзу истакларини тингларканмиз, ҳар бирига кетмас бахт тиладик. Уларнинг манзиллари эса тахририятда.

БАСИРА тайёрлади.

ТЕЛ: 233-04-50

«ОИЛА» БЎЛИМИГА КЕЛУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Бўлимга келиб эълон берувчилар ҳам, манзил олишга келганлар ҳам, ёки шу масалада вилоятлардан хат йўллаганлар ҳам тахририятга паспортлари нусхасини топширишлари шарт. Паспортининг нусхаси бўлмаган шахсларга келин ва қувларнинг манзиллари ёки телефон рақамлари берилмайди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 18:00. Босишга топширилди - 19:00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 234-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 233-28-20
Оила, табриқлар, эълонлар: 233-04-50
Бўлимлар: 233-04-35, 234-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Олой» бозори ёнида.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 132. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 13671

Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРДОВ
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 7 8